

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВ САРДОР УТКИРОВИЧ**

**XIX-XX аср бошларида жанубий  
Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт  
(сурхон воҳаси мисолида)**

**Илмий раҳбар: т. ф. н.,  
доц. Ф.Б.Очилдиев**

**ТОШКЕНТ - 2014**

## **МУНДАРИЖА:**

|                    |            |
|--------------------|------------|
| <b>КИРИШ .....</b> | <b>3-7</b> |
|--------------------|------------|

### **I БОБ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ.**

|                                 |       |
|---------------------------------|-------|
| 1.1. Ижтимоий муносабатлар..... | 8-14  |
| 1.2. Солиқ тизими .....         | 15-22 |
| 1.3. Хунармандчилиги .....      | 23-30 |

### **II БОБ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИ**

|                                  |       |
|----------------------------------|-------|
| 2.1. Ички савдо алоқалари.....   | 31-39 |
| 2.2. Ташқи савдо алоқалари ..... | 40-47 |

|                     |              |
|---------------------|--------------|
| <b>ХУЛОСА .....</b> | <b>48-49</b> |
|---------------------|--------------|

|                                                |              |
|------------------------------------------------|--------------|
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР .....</b> | <b>50-55</b> |
|------------------------------------------------|--------------|

## **ИЛОВА**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил қилиш, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида «Ўзбекистон ва чет эл олимларининг энг қадимдан ҳозирги кунгача ўзбек халқи тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларини таҳлил қилиш»<sup>1</sup> тарихчи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги юқоридаги фикрни яна бир маротаба тасдиқлайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган.<sup>2</sup>

Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи борасида маълум тадқиқотлар мавжуд бўлса-да (Шимолий Бактрия, Тоҳаристон тарихи), унинг кейинги давлари, яъни XIX-XX аср бошлари тарихи нисбатан кам ўрганилган. Бухоро амирлигининг сиёсий-стратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳим шарқий ҳудудларида жойлашган Сурхон воҳасининг бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тарихини атрофлича ўрганмасдан туриб, шу давр Ўзбекистон тарихига тегишли кўпгина масалаларни тўлиқ ёритиш мумкин эмас. Бу, ўз навбатида,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон тарихи. -1999. - №1. -Б. 15-17.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; «Шарқ», 1998, 3-б.

танланган мавзунинг долзарблигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Сурхон воҳасининг мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрни бор. У муҳим савдо йўллари, иқтисодий ва маданий алоқалар туташган ерда жойлашганлиги боис, бу ҳудудда турли тарихий жараёнлар содир бўлган. Сурхон воҳаси географик жиҳатдан қулай, муҳим стратегик алоқа ва савдо йўллари ўтган ҳудудда жойлашганлиги, Бухоро хонлиги ва амирлиги даврида Бухорони Ҳисор, Қабодиён, Балжувон, Кўлоб ва бошқа шарқий бекликлар билан боғлаб, Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан олиб бориладиган ҳар томонлама алоқаларда чорраҳа вазифасини ўтаганлиги билан аҳамиятлидир.

XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларига келиб амирликда савдо-сотиқ ривожланган бир паллада, воҳа ҳудуди Шарқий Бухорони Ғарбий Бухоро шаҳарлари билан боғлашда муҳим тарихий кўприк вазифасини ҳам ўтаган. Айни пайтда, Кўқон хонлиги, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг юқорида қайд этилган мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий ва савдо алоқалари ҳам айнан воҳа орқали ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, воҳа ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашганлиги туфайли Россия империяси сиёсий-ҳарбий доираларининг диққат марказида бўлиб келган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Жанубий Ўзбекистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳунармандчилик турлари ва савдо алоқалари ҳақида А.Нажимов, Н.Г.Борозна, Б.Х.Кармышева, И.Хидоятлов<sup>1</sup>, А.Х.Хамраев, К.З.Хакимова,

---

<sup>1</sup> Нажимов Н. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. -Т.: САГУ, 1958; Оранский И.М. Научная командировка в Гиссарскую долину // Народы Азии и Африки. -М., 1962.-№4.- С.243-245; Шониёзов К.Ш. Узбеки-Карлуки. -Т.: Наука, 1964; Хидоятлов И.К. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. -Т., 1965. - С. 124-133; Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатаг и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. -М., 1966.-С.91-121; ўша муаллиф. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурманов долины Кафирнигана и Бабатагских гор.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- М.: МГУ, 1966. -27 с; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.-М.: Наука, 1976; ўша муаллиф. О торговле в восточных бекства

Л.Н.Кравец<sup>1</sup>, Д.Ғофуров, Н.Н.Прохоров, А.Ш.Ишанов, О.А.Сухарева<sup>2</sup>, сингари олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб боришган<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар халқимизнинг бой ўтмиш тарихини ўрганиш, уни ҳолисона илмий тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Р.Холиқованинг «Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида» номли монографиясида Россия империясининг Бухорога нисбатан ҳарбий ҳаракатларининг бошланиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари, Бухоро амирлигининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви, иқтисодий аҳволи, жумладан, Бойсун, Денов, Шеробод каби шаҳарларнинг (бекликларнинг) ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига доир маълумотлар келтирилган<sup>2</sup>.

З.Э.Холиқов<sup>3</sup>, Т.Аннаев, Ш.Шайдуллаевларнинг<sup>4</sup> тадқиқотларида XIX асрда воҳа бекликларининг сиёсий-маъмурий бўлиниши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, савдо йўллари ҳамда хунармандчилик турларининг қисқача баёни берилган.

Ю.Авазовнинг тадқиқоти XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига бағишланган бўлиб, бу тадқиқот ишида Бухоро амирлиги таркибида бўлган Ҳисор, Денов, Қабодиён, Бойсун, Қўрғонтепа, Кўлоб,

---

Бухарского Ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. - М.: Наука, 1979. - С. 114-134. ва бошқ.

<sup>1</sup> Хамраев А.Х. Упадок Бухары и установление протектората России // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. - Т., 1969. - С. 60-73; Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980.

<sup>2</sup> Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падения Бухарского эмирата. - Сталинабад: Таджикистана, 1940; Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. - Т.: АН УзССР, 1955; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. - Т., 1958; ўша муаллиф. Бухара XIX - начала XX в. - М., 1968.

<sup>3</sup> Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX веков. Тр. инст. ист. КиргССР.- Фрунзе: 1957. -С. 151-183; ўша муаллиф. Русско-Бухарские отношения в конце XIX - начале XX в. - Т.: Фан, 1966.

<sup>2</sup> Холикова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. - Т.: Ўқитувчи, 2005.

<sup>3</sup> Холиков З.И. Сўнгги ўрта асрларда Сурхон воҳасининг савдо-қарвон йўллари // Ўзбекистон моддий маданияти. -Самарқанд: 1997. 28-нашр. - Б. 201-202; ўша муаллиф. Сурхон воҳасининг сўнгги ўрта асрлардаги қулоқчилиги // Маънавият ва тарбия. — Термиз: 2000. -Б.52-58;ўша муаллиф. Термез и Чаганиян в позднем средневековье (по археологическим и письменным источникам XVI-XIX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Самарканд:2001.- 23 с.

<sup>4</sup> Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. - Т.: Мерос, 1997.

Шеробод бекликлари аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига доир бир қатор маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

Очилдиев Ф.Б.нинг тадқиқотларида асосан Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлари, воҳада ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва турлари, солиқ тизими ва турлари, шунингдек, воҳадаги мавжуд савдо йўллари ва савдо-сотиқнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақиллик даврида олиб борилган тадқиқотларнинг деярли барчаси XIX аср охири-XX аср бошларига оид бўлиб, уларда ўрганилаётган давр тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган бўлиб, воҳанинг марказий ва шимолий қисмларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тарихига оид илмий тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса воҳанинг XIX-XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ва савдо муносабатларини тўлақонли таҳлил этишни тақозо этади.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари:** Битирув малакавий ишида белгиланган асосий мақсад XIX-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотларни янги қарашлар ва илмий-услубий мезонлар асосида тадқиқ этиш, умумлаштириш ва уларнинг Ўзбекистон тарихи учун илмий-амалий аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, Битирув малакавий ишида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

- XIX-XX аср бошлари воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

---

<sup>1</sup> Авазов Ю.У. Шарқий Бухоро бекликларида солиқ тизими // Жамият ва бошқарув. - 2004. -№3. - Б. 58-59; ўша муаллиф. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарих фан. ном дисс... автореф. -Т., 2005. -26 б.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008.

- аҳолининг солиқ тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ҳунармандчиликнинг ривожланишини белгилаш;
- Бухоро амирлигида Россия империяси ташқи сиёсатининг моҳияти ва унинг Сурхон воҳасидаги таъсирини кўрсатиш;
- XIX-XX аср бошларида ички ва ташқи савдонинг ривожланиши, унинг иқтисодий аҳамиятини ўрганиб, илмий хулосалар бериш.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.** Мазкур Битирув малакавий ишда Жанубий Ўзбекистоннинг XIX-XX аср бошларидаги тарихини ёритиш кўзда тутилган. Битирув малакавий ишда воҳа ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларнинг Россия империяси истилосига қадар ва мустамлака давридаги ижтимоий-иқтисодий ва савдо муносабатлари тарихи таҳлил этилди. Бухоро амирлигининг ағдарилиши ва янги сиёсий тузумнинг ўрнатилганлиги боис, ишнинг даврий чегараси 1920 йил билан якунланади.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:** Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи ёзма манбалар ва архив ҳужжатлари ҳамда илмий адабиётлар асосида миллий давлатчилигимизнинг маҳаллий бошқарув тарихи тамойиллари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. Жанубий Ўзбекистон тарихига оид маълумотларни қамраб олган тадқиқот ишлари жамлаб ўрганилди ва таҳлил қилинди

Сурхон воҳасининг ижтимоий муносабатлари, ички ва ташқи савдо алоқаларининг Бухоро амирлигида тутган ўрни каби масалалар янги маълумотлар асосида таҳлил этилди. Битирув малакавий ишида XIX-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида кечган тарихий жараёнларнинг яхлит манзараси янги манбалар асосида очиб берилди.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши:** Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, бешта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат.

# **І.БОВ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ.**

## **1.1. Ижтимоий муносабатлар**

XIX аср бошларида ҳам амирликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қоқоқлик ва турғунлик ҳоллари сақланиб қоқгани кўзга ташланади. Аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, ерга эгалик қилиш шакли юз йиллар давомида ўзгармай келганлиги, солиқ ва тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, мамлакатда ҳунармандчилик, савдо-сотик ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келди<sup>1</sup>. Мамлакатнинг ҳимоясиз оддий фуқаролари давлат солиқлари ва амалдорларнинг доимий зулми остида бўлган. Бу аҳолининг эркинроқ яшаши ва турмуш даражаси яхшиланишига имкон бермасди.

Аҳолининг бадавлат қатлами ва ўзига тўқ деҳқонлар ўз ерларини кенгайтириш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида ерларига ишлов беришга қурби етмаган ночор оилалар ва етим-есирларнинг ерларини арзон нархларда сотиб олиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишарди. Бундай ҳодисаларга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, 1870 йилда Бойсун беклигида яшаган мулла Исҳоқхўжа оддий деҳқон Бердиқулнинг вояга етмаган ўғилларидан бир чорак ерни ноқонуний йўл билан нисбатан анча арзон нархда, 12 тангага сотиб олган<sup>2</sup>. Йирик ер эгалари ўз ерларига ишлов беришга қурби етмаган деҳқонларга фоиғ ҳисобига, қайтариш шарти билан маълум миқдорда пул ёки бошқа маҳсулотлар бериш ҳоллари ҳам кузатилади. Баъзи ҳолларда уларнинг ерларини ижарага олиб деҳқонларга беришган ва йиғим-терим пайтида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида 1-китоб. - Т.: Шарқ, 2000. – Б.45.

<sup>2</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. - Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. - С.216.



ҳосилнинг 1/5 қисмини ўзларига олишган. Қарзини тўлашга қурби етмаган бир неча деҳқонларнинг ерлари шу йўл билан олиб қўйилган. Барча бекликларда деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш ва гаровга қарз бериш ҳоллари тез-тез учраб турган.

Сариосиё амлоклигида яшовчи деҳқон Муҳаммад Муқумбой Султонбой оқсоқолдан қарз олади. Унинг эвазига Газарак қишлоғидаги бир таноб ерини Султонбойга гаровга беради. 1892 йилда Муқумбой Сариосиё қозисига шариат асосида бир таноб (юза ўлчов бирлиги, бир таноб 60 х 60 кв.м.га тенг) ерини қайтариб олиб беришини сўраб мурожаат қилади, лекин қози Султонбойдан олган 11500 тангани тўламагунча унинг ерга даъво қилишга ҳаққи йўқлигини айтади. Денов беклигида Ғиёс ўғли Илёс Қобилбойдан бир таноб боғни ижарага олади, бунинг эвазига йилига 170 танга ижара ҳақи тўлаши керак эди. Лекин у белгиланган вақтда ижара ҳақини тўлай олмайди. Уч йил ичида ижара ҳақи 500 тангага етади. Натижада Қобилбой ижарачининг уй-жойини тортиб олади ва унга яна 6 ой муҳлат беради. Шу вақт ичида кўрсатилган пул тўланмаса, уй-жойидан воз кечиш шарт қўйилади<sup>1</sup>.

Шариат уламолари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб, мансабларини суиистеъмол қилиб, маҳаллий аҳолини ўзлари ўйлаб топган ҳийланайрангларга ишонтириб келишган. Улар пул бор жойда шариат қонунларидан кўз юмиб, қонунга зид ишларга қўл уришган. Жумладан, Денов қозиси Мирраҳмон Худойберди Тоғаймуроднинг вояга етмаган 12 ёшли етим қизини ёши ўтиб қолган Махтамбой мулло Мир Аҳмадга 15 тангага мажбуран никоҳлаб беради<sup>2</sup>. Баъзи ҳолларда шариат уламолари ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай пасткашликлардан ҳам қайтишмаган. Масалан, Бойсун беклигида яшовчи Юнусбойнинг ўғли Ҳамроқулбой Усмонбойнинг қизи Одинабиби билан ажрашиш учун қозига 400 танга

<sup>1</sup> Маджлисов А. Кўрсатилган асар - Б. 229.

<sup>2</sup> Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. - Сталинабад: Госиздат Тадж, 1940. - С. 14.

пора берган. Денов беклигида эса Ҳожиниёзбой ўз хотини билан ажралиш учун қозига 1500 танга берган. Бу маълумотлардан шу нарса равшан бўладики, ўзига тўқ бойлар кўнгилларига сиққан ишларни қилиб, бу йўлда шариат пешволарини сотиб олишдан ҳам тоймаганлар. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатига қарши аҳолининг норозилик кайфияти кучайди. Биргина хирож солиғи бу даврга келиб, 40 фоизгача кўтарилди<sup>1</sup>.

1871 йилда Қарши ва Ғузорда маҳаллий аҳоли томонидан норозилик чиқишлари уюштирилиб, у йирик кўзғолонга айланиб кетади. Кўзғолон иштирокчилари сони тезда 10 мингдан ошиб, кўзғолончилар бозор ва бек қалъасини ўраб олишади ва у ерларни вайрон қилади. 1874 йилда Балжувонда, 1885 йилда Кўлоб вилоятининг Мўминобод қишлоғида, 1886 йилда Ҳисор ва Балжувонда, 1889 йили Қоратоғ ва Келифда<sup>2</sup> маҳаллий бошқарув тизими ва солиқ йиғувчиларга қарши кўзғолонлар бўлиб ўтади. Бу кўзғолонларнинг барчаси бирдек натижа бермаса-да, лекин маҳаллий ҳокимият вакиллари ози бўлса-да, аҳолига ён беришга мажбур қилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб аҳолининг норозилик кайфиятлари шиддатли тус ола бошлади, кўзғолонлар муқаррар бўлиб қолди. Шундай кўзғолонлардан бирига деновлик Эрназар Полвон бошчилиқ қилади. Бу кўзғолонга Денов беклигидаги бир неча қишлоқ аҳолиси қўшилган<sup>3</sup>. Кўзғолон кучайиб кетгач, Денов беги Абдурахмон бунга қарши ўзининг қуролланган гуруҳини жўнатди. Кўзғолончилар ва бек навкарлари ўртасида бўлиб ўтган жангда бек навкарлари мағлубиятга учрайди. Кўзғолончилар Эрназар Полвон бошчилигида Денов қалъасини эгаллашган ва бир ярим ой давомида уни ўз қўлларида ушлаб туришган. Бу воқеадан хабар топган Бухоро амири ўзининг кўп сонли қуролланган

---

<sup>1</sup> Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX вв. -Т.: Фан, 1991. - С. 28.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 77. ; Ҳамроев М. Очерки истории Хиссарского бекства конца XIX - начала XX вв. - Душанбе: Тр. АН ТаджССР, 1959. - С. 80.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Узбеки-Карлуки. - Т.: Наука, 1964. - С. 136.

навкарларини Деновга юборган. Улар қалъани қамал қилиб, унга киришган кўзғолончилар эса мағлубиятга учрашган. Натижада кўзғолон қатнашчиларидан 48 таси қўлга олинди, Дарбанд дарасида дорга осилган<sup>1</sup>.

Денов беклигида ҳам бир неча маротаба ғалаён кўтарилиб, шулардан иккитаси маҳаллий ҳокимларни ташвишга солган ва уларни халқ билан ҳисоблашишга мажбур қилган. Биринчисида ғалаёнчилар ғалаба қозонган бўлса, иккинчиси деҳқонларнинг мағлубияти билан якунланади. Ғалаёнчилар қатл этилди, аммо энди ғалаёнчиларни қатл этиш билан аҳолини кўрқитиб бўлмас, аксинча бундай ғалаёнлар беклик ва амирликнинг бошқа жойларида ҳам авж олиб борарди.

Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, 1890 йилдан бошлаб, Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳарбий-стратегик ва топографик текширувлар олиб борди<sup>2</sup>. Бундай текширув ишлари Бойсун ва Денов бекликларида ҳам амалга оширилди<sup>3</sup>. 1898 йилда К.А.Кирхгофъ ва Полянский бошчилигидаги экспедиция Денов беклигида текширув ишларини олиб борди<sup>4</sup>. Маҳаллий аҳоли бундай текширувларга қарши чикди. Қаршиликлар 1898 йилнинг 18 майида Чўт-чоғлиқ қишлоғида бошланган. Тош, таёқ, кетмон ва белкурак билан қуролланган бир неча эркак ва аёллар русларни ишлаб турган жойларидан ҳайдаб юборишган. Бу воқеадан хабар топган аҳоли Денов беклигининг бошқа қишлоқларида ҳам шундай қилишган. Масалан, 20 май куни Шайтон қишлоғи, 21 май куни эса Толли қишлоғи аҳолиси рус ҳарбий тадқиқотчиларини ишлаб турган жойларидан калтаклаб ҳайдашган. Жумладан, Бухоро ҳукуматининг Жаркўрғондаги сув иншоотлари қурилишини кузатиб юрган

---

<sup>1</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980. - С. 151.

<sup>2</sup> Ражабов З. Ш. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и начала XX вв. - Душанбе., 1958. - С. 98.

<sup>3</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.62.

<sup>4</sup> Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2004. - Б.123.

вакили Х.Х.Мирбадалиев, муҳандис Кельстер ва «Шеробод» жамиятининг 6 та аъзоси мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли қуршовида қолиб кетишган. Ғалаёнчилар қўлларидаги таёқ, белкурак ва бошқа қуроллар билан уларга ҳужум қилишган. Ғалаён 4 соатча давом этган. Бундай чиқишлар натижасида халқ сувдан фойдаланишдаги баъзи чекловларни олиб ташлашга эришган.

Норозиликларнинг оммавий тус олиб, ғалаёнга айланиб кетиши оқибатида Паттакесардан рус ҳарбий отрядини чақирилиб, ғалаён бостирилган. Ғалаён қатнашчилари ўлимга ҳукм қилинган. Чор ҳукумати ўз вақтида тўқнашувнинг олдини олмаганлиги учун Денов бегини айбдор деб топган ва Бухоро ҳукуматидан тафтиш ўтказишни талаб қилган<sup>1</sup>.

XIX аср охирида ҳам маҳаллий аҳоли чор маъмурларининг ҳийла-найрангларига чидашга мажбур эди. Термизга рус фуқароларининг кўчиб келиши натижасида маҳаллий аҳоли билан улар ўртасида тез-тез келишмовчиликлар юз бериб турарди. Шундай келишмовчиликлардан бири 1898 йилнинг 20 августида бўлган. Паттакесар аҳолиси рус аскарларидан уч кишини Султон Ниёзнинг қизига тажовуз қилишда айблаб ҳибсга олишган. Аммо руслар шариат қонун-қоидаларини писанд қилмай, куч ишлатиб ўз аскарларини озод қилишган. Ушбу воқеа юзасидан рус ва Бухоро ҳукумати ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида рус аскарлари эмас, балки маҳаллий аҳоли айбдор деб топилган. Лекин бу иш юзасидан ноҳақ ҳукм чиқарилиб, қишлоқ оқсоқоли Аллаберди беш ойга, тўқнашувда фаол иштирок этган яна беш киши уч ойга Шеробод зиндонига ташланган<sup>2</sup>. Чор ҳукуматининг Термизда сиёсий таъсири кучли бўлиб, Бухоро ҳукумати европаликларнинг сўзларини ерда қолдира олмасди. Шунинг учун ҳам рус фуқаролари ва аскарлари маҳаллий аҳолини менсимасдан, кўнгиллари тусаган ишларни қилишган.

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.72.

<sup>2</sup> Жалолитдин М. Термиз тарихи. - Т.: Шарқ, 2001. -Б. 86.

Маҳаллий бек ва амлоқдорлар Бухоро ҳукумати томонидан чиқарилган қонунлар ва фармонларга ортиқча эътибор беришмаган. Бунинг сабаби амирнинг маҳаллий бошқарув ишлари билан деярли қизиқмаганлиги ҳамда ўз қарорлари ижросини текшириб кўрмаслигида эди. Натижада маҳаллий амалдорлар ўз билганларича иш юритардилар. Бу эса XX аср бошларида воҳада норозилик кайфиятлари ва қонли тўқнашувларнинг кескин равишда кучайишига олиб келди.

1902 йилда Денов атрофида катта ғалаён бўлиб ўтган. Ғалаён ҳақидаги шов-шувлар Деновдан Тошкент ва ҳатто Петербургга етиб борди. Бу воқеа чор ҳукумати маъмурларини ҳам хавотирга солиб қўяди. Чор Россияси ҳукумати Бухоро амиридан Деновдаги ғалаён ҳақида Тошкент ва Петербургга маълумот беришини талаб қилган<sup>1</sup>. Мамлакатдаги ғалаёнлар эндиликда нафақат Бухоро амирлигини, балки чор ҳукуматини ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Бу эса деҳқонларга қисман бўлса-да енгиллик берди ҳамда маҳаллий амалдорлар аҳоли билан муроа қилишга мажбур бўлдилар.

Айни пайтда, Бухоро амири томонидан Шеробод ва Бойсун ҳудудларидан маҳаллий аҳолига тегишли катта ер майдонларининг рус тадбиркорларига ижара бериб юборилиши маҳаллий аҳолига катта қийинчиликлар туғдирган. Уларнинг ерлари мусодора қилинган ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари чеклаб қўйилган. Бундай бебошликлардан сабр косаси тўлган деҳқонлар 1916 йилнинг 23 мартда Жарқўрғондаги «Шеробод» жамияти аъзоларига қарши ғалаён кўтарган.

1916 йили Бойсун беги Абулҳофиз бой Бухоро кўшбегиси номига йўллаган тақдимномасида чор ҳукуматининг Сурхон дарёсига тўғон қуриши натижасида маҳаллий аҳоли ерларини келишилган нархларда сотиб олишини билдирган эди. Лекин маҳаллий аҳоли бу шартномага рози

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 87.

бўлмайди. Шунга қарамасдан, чор ҳукумати вакиллари бек ва унинг ёрдамчиларига билдирмасдан ҳужжатни махфий равишда имзолаганлар. Бундан хабар топган Какайди амлоклиги аҳолиси амир ҳузурига бориб, ўз ерларини қайтариб беришни сўраган<sup>1</sup>. Лекин амирдан бундай ишларни ҳал қилишни сўрашнинг фойдаси йўқ эди. Чунки Бухоро амири бундай ишларни чор ҳукуматининг рухсатисиз ўзи мустақил ҳал қила олмасди. Шунинг учун ҳам аҳолининг шикояти амалий натижа бермаган.

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 77.

## 1.2. Солиқ тизими

Бухоро амирлигида 50 га яқин солиқ ва тўловлар жорий этилган бўлиб, аҳоли буларни тўлашга мажбур эди. Бу солиқ ва тўловлар Шеробод, Денов, Бойсун сингари Шарқий Бухоро бекликларидан ҳам йиғиб олинган.

Аҳолидан йиғиб олинадиган асосий солиқ турлари жуда кўп бўлганлиги қуйидаги рўйхатдан яққол кўзга ташланади:

1. Хирож-экин ерларидан олинадиган солиқ, бунга ушр ҳам қўшилган.
2. Бож- божхонага тўланадиган солиқ.
3. Алафпули-беда экилган ер ва чорва емишидан олинган.
4. Боғ пули-узумзорлардан олинадиган солиқ.
5. Чорбоғ пули-мевали боғлардан олинадиган солиқ.
6. Ажнос пули-полиз ва сабзавот экинларидан олинаган.
7. Қовун пули-қовун ва тарвузлардан олинадиган солиқ.
8. Ускуна пули-кўчатлар ўтқазиш ва дарахт пайвандлари учун олинадиган солиқ.
9. Санжит пули-санжит дарахтларидан олинадиган тўлов.
10. Чўп пули-қурилиш ашёлари ва ўтиндан олинадиган солиқ<sup>1</sup>.
11. Барг пули-ипакчиликдан олинадиган солиқ.
12. Қўш пули-жуфт қўш ҳўкизларидан олинадиган тўлов.
13. Яксара пули-битта ҳайдов ҳўкизидан олинадиган тўлов.
14. Закот чакана-чорвадан олинадиган солиқ.
15. Аминона-сувдан фойдаланганлиги ва бозорда сотиладиган маҳсулотлардан олинадиган солиқ.
16. Тагжой пули-бозордаги сотувчилардан олинган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.72.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 83.

17. Чуил-ҳарбий солиқ тури.
18. Боқиа пули-суғориш иншоотлари учун тўлов.
19. Шох ва мих пули-қурилиш ашёллари (қамиш, хашак)дан олинган.
20. Лобаки пули-арикларни тозалаш учун олинадиган тўлов.
21. Жўйга пули-бош арикдан ўз ерига оладиган сувга тўланадиган солиқ.
22. Чиғир пули -сувни кўтариб берувчи мослама учун олинган.
23. Осиё пули-тегирмонлардан олинадиган тўлов.
24. Обжувоз пули-шоли тозаловчи тегирмонлардан олинган.
25. Қайиқ пули-дарёларда қайиқ билан юргани учун олинган.
26. Фарсах пули-йўл пули<sup>1</sup>.
27. Жозия пули(жизья)-яхудийлардан олинадиган солиқ.
28. Араб пули-араблардан олинадиган солиқ.
29. Мерган пули-овчилардан олинадиган солиқ.
30. Аваризот-фавқулудда олинадиган ҳарбий солиқ.
31. Қорачилиқ-қўриқчи ва миршаблар харажатлари учун олинадиган солиқ.
32. Мактаб пули- илм олганлиги учун.
33. Закот– савдодан олинадиган солиқ.
34. Сув пули- сувда ташилган юклардан олинадиган тўлов.
35. Котибона- котиб фойдасига олинадиган солиқ.
36. Қудуқ пули-қудуқ сувидан фойдаланниланлиги учун олиган.
37. Ҳовли пули -ҳовлилардан олинадиган солиқ.
38. Ҳашар пули-ҳашарда иштирок этмаганлардан олинган.
39. Никоҳ-хона-никоҳ ўқиганлиги учун олинадиган солиқ.
40. Уловгир - от-арава ва улов эгаларидан олинган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. - Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. - С. 197.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.73.



Закот йиғувчининг ҳисоботиға кўра, Бухоро амирлигида бир йилда бекликлардан қуйидаги миқдорда: Ҳисор беклигидан 270 минг, Кўлоб беклигидан 70 минг, Ғузордан 140 минг, Деновдан 75 минг, Каркидан 38 минг, Шаҳрисабздан 135 минг, Шерободдан 100 минг, Сариосиёдадан 165 минг танга закот йиғиб олинган.

1904 йилга қадар Шарқий Бухорода закотнинг миқдори тартибга солинмаган эди. 1904-йилга келиб закотнинг миқдори қуйидагича қилиб белгиланди: 5 та юк ташувчи туя ҳисобидан 1 та қўй, 40 та қўй ёки эчкидан 1 та қўй ёки эчки. Қўй ёки эчкининг сони 100 тагача бўлса закотнинг миқдори ўзгармаган. 101 тадан 201 тагача бўлган қўй ёки эчкидан 2 бош, ундан кўп бўлса ҳар 100 тасидан 1 бош қўй ёки эчки олинган. Бундан ташқари, чорванинг иккинчи йилги кўпайиши ҳам ҳисобга олинган ва қўшимча закот олинган<sup>1</sup>.

Амирликда тўланиши шарт бўлган умумий солиқлардан ташқари ҳар бир бекликда қўшимча тўловлар ҳам жорий қилинган. Ҳар бир бек қўшимча солиқларни ўз билганича белгилаган. Солиқ йиғувчилар эса Бухоро ҳукумати томонидан жорий этилмаган тўлов ва мажбуриятларни ҳам аҳолидан талаб қилишган. Мансабдор шахслар кўпинча бойлик орттириш мақсадида мансабларидан фойдаланиб, белгиланган миқдордан икки баробар кўп солиқ йиғиб олишган. Маълумотларга кўра, Денов, Шеробод, Бойсун, Ҳисор, Қабодиён ва бошқа бекликларда бундай воқеаларни кўплаб учратиш мумкин эди. Масалан. Шеробод беклигида анъанага кўра, кафсан солиғи жорий этилмаган эди. Лекин шунга қарамасдан солиқ йиғувчилар аҳолидан мажбурий тарзда кафсан солиғини йиғиб олишган<sup>2</sup>. Юқоридаги маълумотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатдаги барча оғирликлар оддий меҳнаткаш омманинг

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 88.

<sup>2</sup> Мухсинова К.З. К истории выступления Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в // Проблемы востоковедения. - Т., 1959. - С. 99.

зиммасига юкланган эди. Баъзи адолатли дин пешволари оддий халқни бундай ўзбошимчаликлардан ҳимоя қилишга уринишган. Жумладан, Денов қозиси мулла Мир Имодиддин солиқ йиғувчилар ўрнатилган анъанани бузиб солиқ олаётганлигини Бухоро амирига маълум қилиб, уларнинг ўзбошимчаликларини тартибга солишни сўраб амирга шикоят хати йўллайди. Бундан ташқари, воҳада яшовчи аҳоли томонидан ҳам Бухоро амирига кўплаб норозилик ва шикоят хатлари ёзилган. Мисол тариқасида Шеробод беклигида яшовчи деҳқонларнинг Шеробод раиси мулла Мансурбек устидан амирга ёзган шикоятини келтириш мумкин. Унда Шеробод раиси ҳунармандлардан кунига бир танга ортиқча солиқ олаётгани, олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда муҳр учун қози қанча сўраса, у ҳам шунча сўраётганини, мактаб пулини олишда эса белгилангандан кўпроқ-ойига 20 танга олаётгани маълум қилинади.

Аммо бундай шикоятлар деярли натижасиз қоларди. Шу боисдан деҳқонлар ўз ораларидан энг ишончли вакилларни амир ҳузурига юборишган. 1885 йилнинг 10 октябрида Шерободдан бир неча вакиллар белгилангандан кўп солиқ олаётганлиги учун амлоқдорлар устидан шикоят қилиб амир ҳузурига боришган. Лекин бу ҳам ҳеч қандай натижа бермайди. Амир айбдорларни жазолаш ўрнига Шеробод бегига шикоят қилиб келганларга жазо беришни буюрган. Қози мулла Абдураҳим ва Шеробод ҳукмдори Содиқбой томонидан амирга ёзилган жавоб хатида шикоятчилардан учтаси ҳибсга олинганлиги, қолган учтаси қочиб кетганлиги ва улар қидирувда эканлиги маълум қилинган<sup>1</sup>.

Олдинги шикоятлардан натижа бўлмагач, 1885 йил 31 октябрида деҳқонлар яна ўз ишончли вакилларини нажот излаб амир ҳузурига солиқ тизимини тартибга солишини сўраб ўз вакилларини юборишган, лекин бу

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.53.

сафар ҳам амир шикоятчиларга ёрдам кўрсатиш ўрнига уларни Қарши шаҳридаги зиндонга ташлашни буюради.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, амирликда меҳнаткаш аҳолининг оғир турмушини енгиллаштирувчи бирор куч йўқ эди. Деҳқонлар энди шикоят қилиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, норозилик ёки исён йўли билан бирор натижага эришиш мумкинлигини англай бошладилар.

Оқибатда 1885-1886 йилларда Шеробод беклиги аҳолиси солиқ тўлашдан бош тортиб исён кўтарган. Тоғли Дахпаракент қишлоғида бўлиб ўтган ғалаёнлар жиддий тус олиб, халқ солиқ йиғувчиларни калтаклаб ҳайдайди<sup>1</sup>. Маҳаллий ҳокимиятнинг қуйи қатламлари ҳам ғалаённи қўллаб-қувватлайдилар. Шеробод беклигидаги ушбу норозилик чиқишлари Бухоро амирини анча чўчитиб қўйди ва у бироз бўлса-да, деҳқонларга ён беришга мажбур бўлди. Ғалаён натижасида Бухоро амири Шеробод беклигида янги тўлов тартибини жорий қилишга мажбур бўлди, лекин бу янги тўлов ҳам деҳқонларни қониқтирмайди. Шундан кейин ҳам улар 30-40 кун давомида солиқ тўлашдан бўйин товлашган. Бу гал Бухоро амири шикоятни ўз жойида ўрганиш учун Бобожон жевачини Шерободга жўнатган<sup>2</sup>.

Бобожон жевачининг Шерободга келиши ҳам деҳқонлар учун ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Икки марта қилинган шикоят натижасиз қолгандан сўнг, шерободлик деҳқонлар Бухоро амирига учинчи бор шикоят қилишган. Эндиликда кичик қишлоқ амалдорлари ҳамда бой деҳқонлар ҳам маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаб, солиқ йиғувчиларнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканликларини билдирдилар. Ариза ва норозиликлар кўпайиб кетганлигидан чўчиган амир шикоятларни ўрганиш учун Бухородан мулла Шароф мирохўрни Шерободга юборган ва ундан

---

<sup>1</sup>Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980. - С. 144.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

тафтиш ўтказишни талаб қилган. Ўтказилган тафтиш натижасида солиқ йиғувчилар ва амлоқдорлар томонидан шариат қонунлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланган. Солиқ йиғувчилар аҳолидан белгиланган миқдордан 10 фоиз қўп солиқ олганликлари маълум бўлди. Мулла Шароф аҳолини тинчлантириш мақсадида маҳаллий амлоқдорлардан солиқларни белгиланган меъёрдан оширмасликни талаб қилиб уларни огоҳлантирган.

Бухоро ҳукуматида юқори лавозимдаги амалдорлар бирор жойга шикоятни ўрганиш ёки бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун юборилса, унга албатта бек томонидан фарсах пули берилган. Бу ҳам оддий халқнинг ҳисобидан олинган. Деҳқонларнинг шикоятини ўрганиш учун Шерободга келган мулла Шароф ҳам бекдан 250 танга фарсах пули (йўл пули), адрас ва ипакдан тайёрланган тўн ва ятаклар ундириб Бухорога қайтган.

Маҳаллий ҳукмдорларнинг адолатсизликларидан амир ҳузурига нажот излаб борган халқ вакиллари ҳар доим ҳам қониқарли жавоб олмас, аксинча, улар жазога маҳкум қилинади. Бунинг оқибатида турли солиқ ва тўловлардан толиққан Шеробод аҳолисининг ўз жойларини ташлаб, Афғонистон ва бошқа жойларга кўчиб кетиши ҳоллари тез-тез учраб турган<sup>1</sup>.

Солиқ миқдорининг кўплиги ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчаликларига қарши XIX асрнинг 70-80-йилларига келиб, Денов беклигидан ҳам бир гуруҳ исёнчилар солиқ йиғувчилар устидан арз қилиб амир ҳузурига боришган ва бекликдаги тартибсизликларни йўлга солишни қаттиқ талаб қилишган. Шундан сўнг, амир шикоятни ўрганиш учун Деновга Саид Назарбек қоровулбегини юборган. У Денов қозиси билан биргаликда шикоятни ўрганиб чиққан. Тафтиш давомида амлоқдорлар ҳақиқатдан ҳам солиқларни белгилангандан кўп миқдорда йиққанликлари маълум бўлган.

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 85.

Саид Назарбек вазиятни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Денов беклигида солиқ тўлашнинг эски тартибини жорий қилган ва шу йўл билан деҳқонларни тинчлантирган. Денов амлоқдори Олмосбой ўз вазифасидан четлаштирилган. Эски солиқ тизимига қайтилиши ва амлоқдорнинг алмаштирилиши деҳқонларнинг ғалабаси эди, аммо амлоқдорларнинг алмаштирилиши, солиқлар тартибининг ўзгартирилиши оддий аҳолининг турмушини ўзгартириб, уларнинг яхши яшашини таъминлай олмас эди. Янги тайинланган амлоқдорлар ҳам бироз вақт ўтгач, шариат қонунларини қўпол равишда бузиб, олдинги тартиб қонидани жорий қилар ва солиқларни ўз билганича йиға бошларди.

Бухоро амирлигида беклар ҳукуматдан ҳеч қандай маош олмаганлар. Улар аҳолидан йиғиб олинадиган ҳамда амир хазинасига жўнатиладиган солиқ ва тўловлар ўртасидаги фарқ ҳисобига кун кечирганлар. Амлоқдорлар эса бекдан унча катта бўлмаган хизмат ҳақи олишган. Масалан, Шеробод беклигида амлоқдорлар йилига 50 рубл пул ва 400 пуд (оғирлик ўлчов бирлиги бир пуд 16 кг) шоли, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олганлар. Маҳаллий ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулотлар билан қўшиб ҳисоблаганда бу 220 рублни ташкил этган. Бундан ташқари, амлоқдорлар бекнинг ҳимматига қараб совға ёки қўшимча ҳақ ҳам олганлар<sup>1</sup>. Баъзи вақтларда амир жазо тариқасида у ёки бу бекни закот йиғиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, уни бошқа бир бекка инъом этган.

Бухоро амирлигида бутун XIX аср мобайнида ва ҳатто XX аср бошларига келиб ҳам ҳокимият вакилларининг аҳолига бўлган муносабати ўзгармади. Маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниб, тарқоқ ҳолда яшаш давом этмоқда эди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳали ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосий оғирлиги халқнинг

---

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Краткие военные статистический очерк о Бухарском ханстве // Сб. геог. топог. и стат. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып.57. - С. 28.

елкасига тушарди. Бухоро ҳукуматининг юқори лавозимдаги мутасаддилари меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғир эканлигини кўра била туриб, мамлакатда бирор марта ҳам иқтисодий ислохотлар ўтказишга, халқнинг аҳволини яхшилашга уринмадилар.

Марказий ҳокимиятдаги амалдорлар воҳада шароит оғирлигини билсалар-да, маҳаллий бошқарув тизимидаги тартибсизлик ва ўзбошимчаликларни назорат қилишни истамасдилар. Мамлакатда солиқ турларининг ҳаддан ташқари кўплиги оддий меҳнаткаш омманинг ҳўжалигини издан чиқариб, уларнинг жиддий норозиликларига сабаб бўлди. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошларига келганда халқнинг норозилиги кучайиб, бу ҳатто қонли тўқнашувларга ҳам олиб келди.

Аҳолининг доимий ғалаёнлари натижасида XIX асрнинг 80-йилларига келиб, воҳада яшовчи деҳқонлар солиқ миқдорини Бухоро амиридан ёзма равишда тасдиқлатиб олишга эришдилар ва эски солиқ тизими жорий этилди. Бу эса вақтинча бўлса ҳам солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчаликларига чек қўйди. Эндиликда Бухоро ҳукумати маҳаллий аҳоли билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Бу деҳқонлар эришган асосий ютуқлардан бири эди.

### 1. 3. Ҳунармандчилик турлари ва хусусиятлари

Ҳунармандчилик қадимдан воҳа аҳолиси хўжалик ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб келган. Шарқий Бухоро бекликларида ҳунармандчиликнинг тараққиёти бошқа минтақалардан анча фарқ қилган. Бунга табиий-жуғрофий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ҳунармандчилик билан шуғулланиш даражасига кўра Сурхон воҳасини қуйидаги минтақаларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тоғли зоналар, шаҳарлар ва аҳоли зич яшайдиган қишлоқларда ҳунармандчиликка ихтисослашув кучайган.
2. Дарёларнинг юқори ва ўрта оқими ҳудудларида уй-рўзгор ҳунармандчилиги яхши йўлга қўйилган.
3. Дашт олди ва кенг дашт ҳудудларида аҳоли ўртасида уй-рўзгор, яъни ўзлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш шакллари тараққий этган.

Ҳунармандчилик турлари кўпроқ тоғ олди ва Сурхондарё ҳамда Шеробод дарёларнинг юқори ва ўрта оқимларида яхши ривожланган бўлиб, бу ерда кўпроқ сотиш ва буюртма учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Воҳанинг дашт олди ва дашт ҳудудларида уй-рўзгор ҳунармандчилигига хос ишлаб чиқариш шакллари кўпроқ тараққий этган<sup>1</sup>.

Воҳа шаҳарларида яшовчи аҳолининг асосий машғулотини кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашдан иборат бўлган. Ҳунармандчиликда пахта, ипак, тери маҳсулотларига ишлов бериш, метал ва кулолчилик идишлари, эгар-жабдуқ, пойафзал, матоларни бўйаш ва гул босиш, чўян ва темирга ишлов бериш, мисгарлик, заргарлик ва тегирмонсозлик каби турлари яхши ривожланган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией. Товарно-денежные отношения на ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. - М.: Наука, 1979. - С. 117.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 89.

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларига келиб, Шеробод, Денов, Термиз, Бойсун, Юрчи ва бошқа шаҳарлар амирликнинг ҳунармандчилик марказларига айланди. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик турларининг барча соҳалари яхши ривожланган эди. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳар бир шаҳар ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан ажралиб турган. Масалан, Бухоро шаҳри пахта ва бошқа маҳсулотлардан тўқилган газламалари, Денов, шаҳри эса ипакдан тўқилган газламалари билан машҳур бўлган<sup>1</sup>.

Биргина Денов, Миршоди, Қоратоғ ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда ипакнинг сифатли навлари етиштирилиб, ундан тўқилган матолар нафақат Бухоро амирлигида, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Ипак матонинг нархи ҳам жуда юқори бўлиб, уни ўзига тўқ оилаларгига сотиб олиш имконига эга бўлган.

XIX аср охирларида амирлик бўйлаб пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат қуролларига бўлган талаб ортиб борди. Шу сабабли Сарийосиё, Бойсун, Денов ва бошқа шаҳарларда кўплаб темирчилик ва чўян қуйиш устахоналари барпо этилиб, аҳолининг қишлоқ хўжалик қуролларига бўлган эҳтиёжи мунтазам таъминлаб борилди. Аста-секин бир қанча шаҳар ва қишлоқлар ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича йирик марказларга айланиб борган.

Бойсун, Термиз, Шеробод, Сарийосиё, Денов, Юрчи шаҳарларида пахта ва ипак хом ашёсидан олача матолари кўплаб тайёрланган. Пахтадан тўқилган олача матосининг сифати анча пишиқ бўлган. Шу боис, у Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларига, Афғонистон ва Ҳиндистон каби давлатларга ҳам олиб кетилган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980. - С. 62.

<sup>2</sup> Юсупов Ш. Очерки истории Кулябского бекства в конце XIX-нач. XX вв. - Душанбе: Тр. инст. ист. АН Тадж. ССР, 1964. - С. 67.



Воҳа ҳунармандчилигида гилам тўқиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Гиламни асосан аёллар тўқишган. Гиламдўзлик соҳасида Термиз ва Шеробод шаҳарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. К.Ҳакимова ва Л.Кравецларнинг қайд қилишларига кўра, бу ерда тўқилган гиламлар Ўрта Осиёдан ташқари Россия ва бутун Ғарбий Европада ҳам машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Бир қанча гилам турлари Париж шаҳридаги кўргазмаларга қўйилиб, юқори баҳоларга сазовор бўлган. Сифатли гиламлар асосан Шеробод беклигида кўплаб тўқилган. Алоҳида яхши тўқилган гиламларни савдогарлар Қарши, Карки ва Шаҳрисабз бозорларига ва ҳатто Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотишган.

Шеробод беклигида гилам тўқишда ўзбеклардан ташқари туркман ва афғонлар ҳам машҳур бўлган. Туркманлар гиламдан ташқари кошма (чакмоннинг бир тури) ҳам тўқишган, куз вақтида бозор кунлари 500 тагача кошма сотилган. Сариосиё, Юрчи ва Деновда ҳунармандчиликнинг пахта ва жундан мато тўқишдан ташқари ёғочсозлик, бўйрачилик, этикдўзлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, тегирмонсозлик, бўёқчилик, жувоз яшаш, пичоқчилик ва бошқа турлари ҳам яхши ривожланган эди. Сариосиёда ҳунармандчиликнинг кўпроқ темирчилик соҳаси яхши тараққий этган. Чўян қуювчи устахоналар кўп бўлиб, бу ердаги усталар атрофдаги аҳолини қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва омончилик тишлари (сошник) билан мунтазам таъминлаб туришган<sup>1</sup>.

Маълумотларга кўра, воҳанинг баъзи тоғли қишлоқларида ҳам ҳунармандчилик яхши ривожланган. Бу ҳудудлардаги аҳоли ҳунармандчиликнинг темирчилик, тўқувчилик, этикдўзлик ва ёғочсозлик турлари билан шуғулланганлар. Масалан, тоғли Сангардак қишлоғида бир нечта ҳунармандчилик устахоналари бўлиб, ёғочдан ишланган идишлар,

---

<sup>1</sup> Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. - Т.: Изд-во АН УЗССР. 1962. - С. 31.

темирчилик, тўқувчилик ва бошқа маҳсулотларни Юрчи, Денов, Сариосиё сингари марказлардаги йирик бозорларга олиб бориб сотишган ёки ўзларига зарур бўлган маҳсулотларга айирбошлашган<sup>1</sup>.

Воҳа ҳунармандлари қўшни ҳудудларда яшовчи ҳунарманд усталар билан яхши алоқалар ўрнатганлар. Улар бир-бирларидан ҳунармандчилик сирларини ўрганишган. Сангардак, Сина, Вахшивор ва бошқа қишлоқларда яшовчи темирчи усталар Шарқий Бухоронинг темирчилик марказларидан ҳисобланган Қоратоғ, Регар ва бошқа шаҳарларга уч-тўрт ойга бориб, иш ўрганиб қайтишган.

Газарак қишлоғида яшовчи аҳоли ўзлари тўқиган маҳсулотларни яқин атрофдаги Дашнобод, Юрчи ва бошқа бозорларга олиб бориб сотишган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказлардан бири ҳисобланган тоғли Хауз ва Вахшивор қишлоқлари аҳолиси ўзлари тўқиган маҳсулотларни Қорлуқ ёки Денов бозорларида сотишган ва у ердан тўқиладиган пахта толасини сотиб олишган. Сангардак ва Чанглоқ қишлоқлари аҳолиси кузда пахта сотиб олиб, қишда аёллар ундан ип йигиришган. Тайёрланган калаванинг кўп қисми шаҳарлардаги тўқувчиларга сотилган, маълум қисмидан эса ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишган. Ип йигириш аёлларнинг қишдаги асосий машғулотларидан бири ҳисобланган<sup>2</sup>.

Бойсун беклигида ҳам аҳолининг асосий машғулотларидан бири бўлган ҳунармандчилик яхши ривожланган. Бу ерда пахта ва жундан олача тўқиш, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик, чармгарлик, қандолатчилик, тегирмонсозлик, атторлик, бўёқчилик,

---

<sup>1</sup> Описание видов изделий и технологии производства деревообделочного промысла горных таджиков // Таджики Каратегина и Дарваза.– Душанбе: 1966. Вып. I. - С. 260-290.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией. Товарно-денежные отношения на ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. - М.: Наука, 1979. - С. 122.

аравасозлик, каштачилик ва жувозчилик каби майда ҳунармандчилик турлари яхши ривожланган<sup>1</sup>.

Бойсун беклигида темирчилик алоҳида ўрин тутган. Маълумотларга кўра, бу ерда 23 дан ортиқ темирчилик устахоналари бўлган. Авлод, Дарбанд, Газа қишлоқлари аҳолиси ҳунармандчиликда машҳур бўлишган. Улар кўпинча металлни эритиб, бекликка топшириб турганлар ва уни «қанди пиширди» деб атаганлар. Металл эритилган ўчоқ излари Кўхитанг тоғи ён бағирларида, Бойсун тоғ этакларида ҳозиргача сақланиб қолган<sup>2</sup>. Авлод қишлоғининг афғон уруғига мансуб аҳолиси азалдан темирчилик билан шуғулланиб келганлар. Тоқчилар (уруғ) эса чўян эритиш билан машҳур бўлганлар. Улар офтоба, чироқ, қозон, оҳанг (омоч тиши), бел, ўроқ, нағал (тақа), жувозлар учун парма, теша ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини ясаганлар. Бу ҳунармандчилик маҳсулотларини атроф қўшнилардан ташқари Қоратоғ, Регар ва Дашнободга олиб бориб сотганлар.

Темирчилар ҳам ўз навбатида алоҳида ихтисосликларга бўлинган: оҳангарлар-пўлат билан ишловчилар, чилангарлар-уй-рўзғор буюмлари билан шуғулланувчилар шулар жумласидандир. Темирчилар темирдан тайёрланадиган нарсалар билан шуғулланишган. Улар дегрезлар - чўянчилар, мисгарлар ва заргарларга бўлинганлар<sup>3</sup>.

Воҳада ҳунармандчилик турлари орасида тегирмонсозлик ва жувозчилик ҳам кенг тарқалган. Масалан, XIX аср охири-XX аср бошларида Шерободда 128 та сув тегирмони, 147 та жувоз, Деновда 105 та сув тегирмони, 45 та обжувоз (шоли оқлайдиган), 301 та жувоз (ёғ чиқарадиган), Сариосиёда 137 та тегирмон, 34 та обжувоз, 277 та ёғ

---

<sup>1</sup> Ҳайит Т., Усмон Т. Кураш йиллари. - Т.: Меҳнат, 1992. -Б. 13.

<sup>2</sup> Қайумов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX-XX аср бошлари). // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1998. - №3. - Б. 38.

<sup>3</sup> Дала маълумотлари. Бойсун, Газа қишлоғи. 2004 йил, апрель.

жувозлари бўлиб, улар аҳолининг ун ва мойга бўлган эҳтиёжини қондириб келган<sup>1</sup>.

Ҳунармандчиликда заргарлик ҳам алоҳида ўринга эга эди. XIX аср давомида ҳудуддаги шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқлардаги заргарлик устахоналари фаол иш олиб борган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-туман тақинчоқлар ва безаклар (узук, билакузук, сирға, балдоқ, латива, кўкрак ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмаларни кутиб ўтирмасдан, ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини дўконларида ёки қишлоқма-қишлоқ юриб сотганлар. Шу тариқа бу даврда аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб борди. Бунда Шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши оқибатида бошқа ҳудудлардан келган заргар-косибларнинг кўпайиши ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийими рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига кўра танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли хил гуруҳларга: бошга, сочга, қулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, кўлга тақиладиган тақинчоқларга ажратилган<sup>2</sup>.

Шеробод беклигида воҳанинг бошқа ҳеч бир жойида учрамайдиган ҳунармандчилик турларидан бири қайиқсозлик ҳам бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Қайиқсозлик билан кўпчилик ҳунармандлар шуғулланмаган бўлса-да, ҳунармандчиликнинг бу тури билан махсус усталар банд бўлганлар.

XIX-XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Карки, Калиф ва Шеробод бекликлари усталари қайиқсозлик билан ҳам шуғулланганлар. Чунки бу бекликлар аҳолиси савдо-сотиқ ишларини олиб боришда

---

<sup>1</sup> Кап. Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1886. Вып. XXI. - С. 25; Материалы по районированию Узбекистана. - Самарканд: ЦКР Уз, 1926. - Вып. I. - С. 153-57.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н., Турсунова И.Н. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 2003. - №4 -Б. 60.

Амударё сув йўлидан катта фойда кўрганлар. Агар фавқулодда қайиқлар қуриш керак бўлиб қолса, Калиф атрофида қайиқ ясай оладиган 16 тадан ошиқ усталар топиш мумкин бўлган. Усталар икки ой давомида 600 пудгача юк кўтара оладиган 10 тагача қайиқ ясай олишган ва бу қайиқларнинг ҳар бири 300 рублдан 352 рублгача баҳоланган<sup>1</sup>. Шеробод беклигида қайиқ ясовчи усталар сони 10 дан ортиқ бўлган. 600 пуд юк кўтара оладиган қайиқни 40 кунда ясай олганлар. Уларнинг ҳар бири 200 рублдан 235 рублгача сотилган<sup>2</sup>. Қайиқларни яшаш учун ёғочлар Шерободдан олинган. Юқоридаги маълумотларда фақат Шеробод беклигининг Чўчкагузар кечувидаги қайиқчи усталар назарда тутилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бошқа жойлар (Термиз ва унинг атрофи)даги қайиқ ясовчи усталарни қўшиб ҳисоблаганда уларнинг сони анча кўп бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Воҳа ҳунармандчилигида кулоллар хўжаликнинг деярли барча соҳалари учун маҳсулот етказиб берганлар. Ҳар бир минтақа кулоллари ўз маҳсулотларининг сифати, безалиши сингари бетакрор анъаналарга эга бўлганлар.

Воҳада кулолчилик маданиятининг тараққиёти Бухоро, Тошкент, Ўтрор каби минтақаларнинг таъсири натижасида янада ўзлигини намоён қилган. Тайёрланган сопол буюмларда, айниқса Бухоронинг Ғиждувон, Фарғона водийсининг Риштон каби сопол ҳунармандчилиги мактабларининг таъсири анча кучли эканлиги сезилади. Воҳа кулолчилиги тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларига бориб у олдинги даврга нисбатан пасайиб кетганлиги кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби ўлкага Россия саноати маҳсулотларининг кириб келиши ва сопол идишларнинг хўжаликда кўп

---

<sup>1</sup> Кап. Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1886. Вып. XXI. -С. 24.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар. - Б. 27.

ишлатилмаганлиги билан изоҳланади. Лекин Термиз, Шеробод ва Денов кулолчилик марказлари тор доирада бўлса-да, ўз мавқеини сақлаб қолган<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, воҳада ҳунармандчилик турлари бекликларнинг жойлашган ўрнига қараб қисман бир-биридан фарқланган.

Шеробод беклигида кўпроқ гиламдўзлик, кулолчилик, қайиқсозлик, Бойсунда темирчилик ва унга ишлов бериш, қишлоқ хўжалигида ишлатилувчи қурооларни ясаш, қандолатчилик, Денов ва Юрчида ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), кийим-кечак, зеб-зийнат буюмларини тайёрлаш каби ҳунармандчилик турлари кенг оммалашган.

XIX аср бошларида воҳада ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик буюмлари аҳоли эҳтиёжини қисман қондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст эди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни амирликда жорий этилган солиқлардан ташқари қўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилганлар. Шунингдек, мамлакатда ҳунармандларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмаган, уларнинг ютуқлари рағбатлантирилмаган бу эса воҳа анъанавий ҳунармандчилигининг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

---

<sup>1</sup> Холиков З. Термез и Чаганиян в позднем средневековье.: Автореф... дисс... канд. ист. наук. – Самарканд: 2001. - С. 11.

## II БОБ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИ

### 2.1. Ички савдо алоқалари

Воҳада савдо-сотик ишларини олиб боришда ички маҳаллий йўлларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Бу йўллар шаҳар ва қишлоқларни бир-бири билан боғлашда муҳим ўрин тутган. Тоғликлар, текисликлар ва даштлардан ўтган савдо йўлларининг бир неча йўналишини кўрсатиш мумкин. Бойсундан-Деновга келувчи йўллар: Бойсундан-Сариқамиш, Инкабод-Пулҳоким-Қиличбоғ-Даштиғоз-Халқаёр-Улоқўйнар-Дагана қишлоқларидан ўтилиб, Миршоди орқали Деновга борилган. Сурхон воҳасининг шарқий маркази ҳисобланган Деновдан Айбароқ-Лўпон-Чанбулоқлар-Қайирма қишлоқлари орқали Сарижўйга йўл ўтган. Яккатут-Тоғчиён-Дашнобод ундан сўнг Шеркент орқали Қоратоғга борилган (бу йўллар Ҳисор тоғ тизмаси ён қисмидан ўтган)<sup>1</sup>.

Кофирниҳон воҳасидан Сурхон воҳасига Боботоғ орқали ўтувчи довонли йўллар ҳам воҳанинг иқтисодий-маданий алоқаларида катта ўрин тутган. Бу йўллар қуйидаги бир неча йўналишда бўлган: 1. Оқмачит қишлоғидан Чахорра довони орқали Файзовага; 2. Хўжамалик довони орқали Ҳазратибобо-Чимғиштли қалъа бўйлаб Шўрчига; 3. Бошчарвоқдан Каккайдига; бундан ташқари, Паттакесардан Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Кофирниҳон воҳасига ўтилган<sup>2</sup>.

Шаҳрисабздан-Лагори-Мурда ва Белоут довонлари орқали Деновга ўтувчи йўллар қуйидаги йўналишда бўлган: Шаҳрисабз-Самак-Татар қишлоғи ва Чоқмоққуйди довони орқали Тошқўрғонга чиқилган. Кейин йўл Лагари Мурда давонидан Саримсоғлига ва Белоут давонидан

---

<sup>1</sup> Кап. Стеткевич. Бассейн Каратаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. - С. 283.

<sup>2</sup> Кап. Лилиенталь. Гиссарская и Кабодианская бекство // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. - С. 312.

Сангардакка ўтилган. Бу йўналишда кейинги қишлоқ Даганадан Юрчи ва Деновга келган. Деновдан-Миршоди орқали Шерободга борувчи йўллар: Каптархона-Пастундара-Миршоди, Тангимуш-Бандихон, Кармак-Гилямбоб-Қизирикдала-Шерободга<sup>1</sup>.

Деновдан Паттакесарга Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ўтувчи йўллар: Қизилҳисор-Пастундара-Олатемир-Совжирон, Култепа-Оққипчоқ-Қумқўрғон-Карвонпўсти-Қоптўғай-Паттакум-Арпапоё, Оққўрғон- Қорағоч - Эчкили - Қорақурсак-Жарқўрғон - Солиҳобод орқали Термизга ўтган<sup>2</sup>. Амударёнинг муҳим кечувларидан бири ҳисобланган Калифдан-Паттакесарга: Кўҳитанг довони-Салтиариқ-Қоракамарпаён, Қоракамарбало-Болдир-Чўчкагузар-Талашгон-Сассиққўл-Бешхотин-Қуйишўроб-Маймун-тўқай орқали келинган.

Воҳадаги йўллар ичида Шеробод-Бойсун йўналиши ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Бу йўналиш Шеробод-Нондагана дараси-Хатан-Туржон-Каламозор, Чилонзор-Қурисой, Гандасой-Мунчоқ-Тиллакамар-Яндабулоқ орқали ўтган. Кўҳитанг-Шеробод йўналиши: Кўҳитангдан-Ҳатак Нондагана орқали Шерободга ўтилган. Шерободдан Равотак орқали Оққўрғонга, Карвонтушди-Бандихон Кулқамиш ва Бойсун орқали Дарбандга ўтилган<sup>3</sup>.

Юқоридагиларни умумлаштириб, воҳадаги савдо йўллари кўп тармоқли ва мураккаб тизимга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Агар тоғ ва тоғ олди йўлларида асосан от, эшак каби уловлардан фойдаланилган бўлса, воҳанинг текисликлар орқали ўтган йўлларда аравалардан ҳам фойдаланилган.

---

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Маршрут по описанию дорог пролегающих по долине пр. бер. р. Сурхана // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии.-СПб., 1894. Вып. 57.-С.390-392;

<sup>2</sup> Поруч. Каракульщиков. Маршрут от г. Денау до Патта-Гиссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии.-СПб., 1894. Вып. 57. -С. 395;

<sup>3</sup> Н.Маев.Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству // Известия. ИРГО. -СПб., 1879. Т.XV. - С. 87-99.



Воҳа бозорларининг жойлашувига назар ташлайдиган бўлсак, улар шаҳар марказларида, аҳоли гавжум ҳудудларда ёки савдо алоқалари олиб бориладиган қулай йўллар кесишган ерларда жойлашганлигига гувоҳ бўламиз. Воҳада ички савдо бекликлар тасарруфидаги шаҳар ва қишлоқлар ўртасида амалга оширилган. Н.Маев Шеробод беклигидаги тоғли Кўхитанг қишлоғида ҳам катта бозор бўлганлигини таъкидлаб, Амударёдан Ғузоргача бўлган ораликдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўзларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларини бу бозорга олиб келиб сотганликларини маълум қилади. Бу бозор ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари фаолият кўрсатган<sup>1</sup>.

Воҳанинг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳоли ўзларида бозор бўлишига қарамасдан, текисликда жойлашган қишлоқ ва шаҳарлардаги бозорларга келиб маҳсулот алмашишган ва савдо- сотиқ ишларини олиб боришган. Масалан, тоғли Хубон, Хонжиза, Сангардак, Чанглоқ каби қишлоқлар аҳолиси воҳанинг текислик қисмидаги бозорларга ўз маҳсулотларини олиб келиб ҳунармандчилик буюмларига алмашишган. Хауз, Вахшивор, Сина, Пошхурд, Газарак қишлоқлари узум етиштириш марказларидан ҳисобланиб, бу ерларда кўплаб майиз тайёрланган. Аҳоли майиз ва қурук меваларни Қарлуқ, Денов, Юрчи, Бойсун ва Кўлобга, Газарак қишлоғи аҳолиси эса Қоратоғ, Ҳисор, Қоратегин ва бошқа жойларга олиб бориб сотишган. У ерлардан ўзлари учун зарур турли хил буюм ва маҳсулотларни, масалан, Қоратегиндан олача, оқ чакмон, патли саллалар, Бойсундан деҳқончиликда ишлатиладиган турли хил меҳнат қуролларини олиб қайтишган<sup>2</sup>.

Сангардак, Чанглоқ ва бошқа қишлоқларнинг аҳолиси ёнғоқ, бодом, pista ва қуритилган меваларни пахтага алмаштириш ёки сотиш учун

---

<sup>1</sup> Маев Н.А. Рекогносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия ИРГО.. - СПб., 1879. Т. XV - С. 91.

<sup>2</sup> Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства много национальных районов Сурхандарьинском области в дореволюционной время // Советская этнография. - 1970. - № 2. - С. 138.

Шеробод бозорига ва Шарқий Бухородаги йирик пахта бозорларига олиб бориб сотишган. У ердан арзон пахта хом ашёсини олиб қайтишган. Сангардак дарасида жойлашган қишлоқларга Россияда тайёрланган фабрика маҳсулотларини шаҳар ҳунармандлари олиб бориб сотишган. Улар асосан дубулға дарахтининг илдизи кармакка алмаштирилган. Олма, ўрик ва бошқа меваларини Юрчи ҳамда Паттакесар бозорларига олиб боришган. Қайтишда Юрчи бозоридан сопол буюмлар ва сув сақлаш учун ишлатиладиган кўза идишларни, Паттакесардан эса фабрика маҳсулотларини олиб қайтишган. Маҳсулотлар қаерда пахта арзон бўлса, ўша ердаги бозорларга олиб бориб сотилган, бундай бозорлар Шеробод, Кўхитанг, Денов ва бошқа жойларда бўлган<sup>1</sup>. Куз ойларига келиб, Сангардак, Чанглоқ ва бошқа қишлоқлар аҳолиси ҳунарманчилик ва чорва молларини тоғли йўллар орқали Самарқанд, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларига олиб бориб сотиб, ўзларига керакли нарсаларни олиб қайтишган<sup>2</sup>.

Бойсунда қандолатчилик маҳсулотлари кўплаб тайёрланиб, аҳоли бу маҳсулотларини Кичик-Ўрадарё, Кўхитанг дарёларининг юқори қисмидаги кўчманчилар қишлоқларига ҳамда Ғузор ва Келиф бекликларига ҳам олиб бориб сотишган. Уларни буғдой, жун, ёғ, пахта ва бошқа маҳсулотларга алмашганлар. Қандолатчилик маҳсулотларидан ҳолва ва майиз Бухоро, Туркистон ўлкаси ва Россия ҳудудларига ҳам чиқарилган<sup>3</sup>.

Воҳа бозорларидаги ички савдо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига анча гавжум бўлган. Воҳанинг юқори қисми Денов, Юрчи, Дашнобод ва Сариосиё бозорларида деҳқончилик маҳсулотларининг нархи бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

---

<sup>1</sup> Маев Н. А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркистанского края. Вып.5. - СПб., 1879. - С. 154.

<sup>2</sup> Липский В. И. Горная Бухара. Результаты трехлетних путешествий в Среднюю Азию. Ч.I. Гиссарский экспедиция. 1896. - СПб., 1902. - С. 82-88.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976. - С. 85.

Нарх-наво ҳар йили мавсумга қараб ўзгариб турган. Маълумотларга кўра, ёз ўрталарида 1 ботмон (8 пуд) буғдойнинг нархи 15 танга (Бухоро тангасида), гуруч 22 танга, арпа 8 танга, 100 боғ беда 7-8 танга бўлган<sup>1</sup>.

XIX аср охири-XX аср бошларига келганда воҳадаги бозорлар сони 20 тадан ошиқ бўлиб, энг катта бозор Паттакесарда (Термиз) жойлашган, бу ерга Бухородан ташқари чет давлатлардан ҳам кўплаб моллар олиб келинган. Шеробод, Сариосиё, Юрчи ва Денов бозорлари воҳада катта аҳамиятга эга бўлган. Бойсун, Дарбанд, Дашнобод ва бошқа бозорлар бекликларда аҳамиятли бозорлар ҳисобланган. Сариосиё ва Сарижўй амлокликларида асосий савдо маркази Сариосиё ва Дашнобод ҳисобланган. Воҳада бозорлар белгиланган кунларга қараб ҳафтада 2 кун ишлаган.

Бойсунда энг йирик бозорлар Бойсун, Дарбанд ва Хўжаипок бозорлари ҳисобланган. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Бойсун бозорларидаги ғалланинг 1 ботмони 3 рубл 20 копеекдан 4 рублгача, 1 ботмон тарик 2 рубл 80 копеекдан 3 рубл 20 копеекгача, 100 боғ беда 3 рубл 50 копеекдан 4 рубл 11 копеекгача, 1 пуд сомон 20 копеекдан 23,5 копеекгача, 5 ёшли сигир 18 рубл 80 копеекдан 23 рубл 50 копеекгача, қўйлар 4 рублдан 8 рублгача сотилган<sup>2</sup>. Юрчи, Денов, Қарлуқ, Янгибозор ва Миршодидаги бозорлар Деновнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, биргина Денов шаҳрида 100 дан ортиқ дўконлар бўлиб, уларда маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганлиги таъкидланган<sup>3</sup>. Бу ердаги бозорларда от ёшига ва юк кўтаришига қараб, 15-30 рубл, эшак 4-10 рублгача, сигир катта-кичиклигига кўра, 10-20 рублгача, қўш ҳайдовчи

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и Южных частей Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. - С. 375.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси шаҳарлари ва уларнинг иқтисодий юксалиши (XIX аср охири - XX аср бошлари) // Ўзбекистонда урбанизация жараёnlари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: 2007. - Б. 250-252.

<sup>3</sup> Сов. Петрова. Рекогносцировка Бухарских владений // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. -СПб., 1886. Вып. XXI. - С. 85.

хўкиз 15-30 рублгача, қўйлар семизлигига қараб 3-6 рублгача сотилган<sup>1</sup>.

Воҳанинг шимолий қисмидаги бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва чорва молларининг нархлари жанубий қисмига нисбатан бироз фарқ қилган. Жанубдаги бозорларга, масалан, Шеробод, Термизга четдан (бу бозорларда Бухоро, Россия, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатлардан олиб келинган маҳсулотлар кўпчиликини ташкил этган) кўпроқ маҳсулотлар олиб келинган.

Воҳанинг Шимолий қисмидаги бозорларга эса четдан келтирилган маҳсулотлар анча кам олиб борилган. Шеробод бекликларидаги қадимдан машҳур бўлган бозорлар XIX-XX аср бошларига келиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Маълумотларга кўра, Шеробод ва Термиз шаҳридаги бозорлар жуда гавжум бўлиб, уларнинг шовқини бир неча чақиримгача эшитилган<sup>2</sup>.

Темир йўл тармоқлари қурилгандан сўнг Бухоро амирлиги ҳудудига Россия маҳсулотларининг кириб келиши бир неча баравар кўпайган. Товар-пул муносабатлари ва савдо-сотиқнинг ривожланиши натижасида ҳар бир шаҳар савдо марказига айланди. Асосий савдо марказлари уларда сотиладиган маҳсулотларга қараб ихтисослашган эди. Бухоро шаҳри қорақўл тери, чой ва рус маҳсулотлари, Ғузор, Қарши, Шеробод дон маҳсулотлари ва чорва моллари сотиладиган марказларга айланди<sup>3</sup>. Шеробод беклигида Шеробод, Хатак, Пошхурд, Зарабоғ, Кўҳитанг, Жарқўрғон, Какайди ва Хўжамалик бозорлари бўлган<sup>4</sup>.

Шеробод шаҳридаги бозорлар ҳам ҳафтасига икки марта: якшанба ва пайшанба кунлари фаолият кўрсатган. Рус ҳарбийлари Бухоро амирлиги бозорларидаги савдо-сотиқ ҳамда улардаги нархларни ўрганиб чиққанлар.

---

<sup>1</sup> Кап.Стеткевич.Бассейн Каратаг-Даръи // Сб. геог. топог. и ст атис.мат. по Азии. - СПб.: 1894. Вып.57. - С. 255.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 137.

<sup>3</sup>Хакимова К.З., Кравец Л.Н.Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980. - С. 96.

<sup>4</sup> Материалы по районированию Узбекистана. - Самарканд: ЦКР. Уз, 1926. Вып. I. - С. 159.

Бозорда рус пуллари, кредит чипталари ва кумуш муомалада бўлмаган. Рус савдогар-тадбиркорлари мунтазам суратда воҳа бозорларини ўрганиб боришган. Уларнинг бозорларни ўрганишдан асосий мақсади фавқулодда воқеалар рўй берган вақтда бир кунда бу бозорлардан қанча маҳсулот тўплаш мумкинлиги ва бир йиллик маҳсулот савдо айланмасини ҳисоблаб чиқиш эди. Шунингдек, бозорларга яқин жойларда қанча миқдорда аскар жойлаштириш имкони борлигини аниқлаш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Бухоро ва Қарши шаҳарларида аҳоли истеъмоли учун зарур дон маҳсулотлари захираси кўплаб сақланган. Бу бозорлардан ташқари Ғузор, Юрчи, Денов ва Шеробод шаҳарларида ҳам дон маҳсулотлари бозори бўлиб, бу бозорларга дон ва бошқа ғалла маҳсулотлари атрофдаги қишлоқлардан олиб келинган. Ҳосил йиғими вақтида қаршилиқ бой савдогарлар дон маҳсулотларини сотиб олиш учун Сурхон воҳаси ва Шерободга ўз қарвонларини жўнатганлар. Шу ерда ўзаро тузилган савдо шартномаларига кўра дон маҳсулотларини савдогарлар жойларга жўнатганлар ёки кейинги сотувгача омборларда сақлаганлар<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, воҳанинг текислик қисмларидаги ички бозорлар анча кенгаяди. Бу бозорларда ўзбек, тожик, туркман, рус, араб, афғон ва ҳинд савдогарлари савдо қилганлиги ҳақида маълумотлар бор<sup>2</sup>. Бозорларда турли миллат вакилларининг савдо қилиши эса сотиладиган маҳсулотларнинг ҳам хилма-хил бўлганлигидан далолат беради.

XIX аср охири-XX аср бошларига келиб қишлоқ хўжалигида пахтачиликнинг ривожланиши натижасида пахта савдоси билан боғлиқ бозорлар ҳам аста-секин кўпайиб борди. Амирлик ҳудудидаги 70 дан ортиқ

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳасининг Қарши шаҳри билан савдо алоқалари тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари) // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Материалы Международной научной конференции. - Ташкент-Қарши: Фан, 2006. –С. 172-174.

<sup>2</sup> Маев Н. А. Материалы для статистики Туркестанского края. - СПб., 1879. Вып. 5. - С. 110; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. I. - Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1962. - С. 276.

пахта бозорлари белгиланган кунларга қараб ҳафтасига 2 маротаба ишлаган. 25 та йирик бозорларда эса ҳар куни пахта сотилган. XX асрнинг бошларида Россия-Бухоро ўртасидаги асосий савдони пахта хом ашёси ташкил қилган. Пахтани сотиб олиш ва уни Россияга жўнатиш мақсадида Бухоро амирлигида пахта билан боғлиқ савдо марказлари ва бир қанча жамиятлар тузила бошланди. Жумладан, воҳада «Шарқий Бухоро жамияти», «Россия жамияти» ва «Кавказ Меркурий жамияти» ташкил қилинган бўлиб, улар жойлардан кўплаб миқдорда пахта сотиб олиб Россияга жўнатишган.

Америка пахта навининг экилиши воҳа деҳқонлари ва аҳолисига катта фойда келтирди. Пахтачиликдан юқори ҳосил олина бошланди. 1907 йилга келиб, Термиздан четга пахта чиқариш сезиларли даражада ўсганлиги кузатилади. 1908 йилда 17000 пуд, 1909 йилда 22000 пуд, 1910 йилда 34000 пуд, 1911 йилда эса 60000 пуд пахта четга чиқарилган<sup>1</sup>.

Воҳада чорва савдоси ҳам анча оммавий ҳисобланган. Чорва моллари аҳолининг эҳтиёжини тўла қондирганлиги боис, ортиқчаси амирликнинг турли жойларига, жумладан, қўй-эчкилар Қарши ва Ғузор бозорларига, туя ва отлар эса Қарши, Карки, Келиф бозорларига олиб бориб сотилган. Сурхон воҳасидан олиб келинган чорва моллари Қаршининг марказий бозорида турли нархларда сотилган. Жумладан, қўйлар 2 рублдан 10 рублгача, эчки 60 копеекдан 1 рубл 20 копеекгача, сигир 3 рублдан 10 рублгача, туя 25 рублдан 75 рублгача нархланган<sup>2</sup>.

Денов беклиги худудида Миршоди божхона маскани бўлиб, у бутун Бухоро амирлигида машҳур бўлган. Бу ерда Шарқий Бухородан Ғарбий Бухорога олиб ўтиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларидан бож олинган. Миршоди божхонаси ходимининг маълумотларига кўра, йилига божхона постидан 10 мингдан 20 мингтагача

---

<sup>1</sup> Ананьев А.Г. Шерабадская долина. - СПб., 1914. - С. 25.

<sup>2</sup> Кап. Васильев. Статистический материал для описания Бухары, бекство Ширабадское и часть Байсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып.57. - С. 400.

чорва моллари ҳайдаб ўтилган. Воҳада чорва молларининг арзонлиги боис, бу ерга нафақат Бухородан, балки Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ҳам савдогарлар келиб савдо қилишган.

## 2.2. Ташқи савдо алоқалари

XIX аср бошларида Шарқий Бухоро билан Ғарбий Бухоро ўртасида олиб бориладиган савдо-сотиқ ишлари бевосита Сурхон воҳаси орқали амалга оширилган. Бу даврда савдо-сотиқнинг ривожига суҳт бўлиб, ўзаро ички курашлар ҳамда натурал хўжаликнинг ҳукмронлиги шаҳар ва қишлоқларнинг иқтисодий юксалишига салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда Бухоро амирлигининг шарқий қисми унинг ғарбий қисмидан деярли бутунлай ажралиб қолган эди. Ҳисор, Денов, Кўлоб, Балжувон, Шеробод, Қўрғонтепа, Қоратегин ва бошқа бекликларнинг Қўқон ва Хива хонликлари билан савдо-сотиқ алоқалари заиф эди<sup>1</sup>.

Воҳа аҳолиси шарқда кўшни бекликлар Ҳисор, Қўрғонтепа, Қабодиён Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон ва шу билан биргаликда тоғли йўллар орқали Қўқон хонлиги билан ҳам савдо-сотиқ ишларини олиб боришган. Бу ҳудудларга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларини олиб бориб сотишган. У ерлардан эса ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб қайтишган. Ғарбий йўналишда эса Бухоро амирлигининг Хива хонлиги, Туркистон ва Россия, Амударё сув йўли орқали эса Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилган эди. Ташқи савдода ва Амударё бўйлаб юк ташишда Паттакесар, Термиз, Ёрғоҳ, Чўчкагузар, Қоракамар кечувлари жуда муҳим бўлган<sup>2</sup>.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб марказий ҳокимиятнинг кучайиши билан Бухоро амирлигининг вилоятлари (бекликлар) ўртасида савдо-сотиқ ишлари анча жонланди. Шаҳарларнинг қишлоқларга иқтисодий таъсири

---

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX-начале XX вв. - Душанбе-Алма-ата: Ирфон, 1967. - С. 211.

<sup>2</sup> Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. - Т.: Мерос, 1997. - Б. 92.



кучайди. Бу жараён, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айлангандан сўнг тезлашди<sup>1</sup>.

Сурхон воҳаси савдо алоқаларини асосан Ғарбий Бухоро билан олиб борган. Савдо ишларини олиб боришда йўлларнинг аҳамияти катта эди. Биринчидан, Бухорога олиб боровчи ва текисликлардан ўтган йўллар савдо-сотикда анча қулайликлар яратган. Иккинчидан, чет давлатлардан келган йирик савдогарлар ўз молларини Бухорога олиб келишган ва шу ерда ўз маҳсулотларини маҳаллий молларга айрибошлаган. Йўлларнинг асосий қисми тоғли довлар орқали ўтганлиги сабабли Қўқон хонлиги билан савдо алоқаларини олиб боришда қийинчиликларга дуч келишган ва йўл харажатлари анча қимматга тушарди. Шу боисдан, Шарқий Бухородаги деярли барча шаҳар ва қишлоқ аҳолиси асосий савдо-сотик алоқаларини Ғарбий Бухоро билан боғлашга қаратишган эди.

Ҳисор тизмасини кесиб ўтадиган барча йўлларда юклар асосан от ва эшакларда ташилган. Бу йўллар орасида энг қулайи Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий қисмидан ўтувчи йўллар ҳисобланиб, улар, бир томондан, Ғузор, иккинчи томондан эса Келиф ва Шеробод шаҳарлари оралиғидаги йўллардан иборат бўлган. Шу йўналишда Дарбанд ва Бойсун шаҳри орқали Сурхон воҳасига кўплаб қулай йўл тармоқлари ўтган. Шарқий ва Ғарбий Бухоро ўртасидаги барча юклар ва чорва моллари шу йўллар орқали олиб ўтилган. Мазкур йўллар орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам карвон қатнови йўлга қўйилган<sup>2</sup>.

Бу даврда Қўқон хонлиги, Тошкент, Қарши ва Самарқанд шаҳарларининг Афғонистон ҳамда Ҳиндистондаги савдо шаҳарлари билан алоқалари изчил давом этган. Шарқий Хуросон савдо йўлининг аҳамияти бу даврда ҳам сақланиб қолган. Самарқанддан Шаҳрисабз воҳаси орқали

---

<sup>1</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 130.

<sup>2</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк о Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. - С. 29.

Сурхон воҳасига ўтувчи тоғ йўлларида фойдаланиш қадимги даврлардан бошланган. XIX аср ўрталарида бу йўллар асосан уч йўналишда бўлган<sup>1</sup>:

1. Самарқанд-Шаҳрисабз-Яккабоғ-Тошқўрғон-Шотруд довони-Сарижўй-Юрчи-Денов-Термиз-Балх йўналиши;
2. Самарқанд-Жом-Чиялқудуқ-Ўзор-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх йўналиши;
3. Самарқанд-Шаҳрисабз-Калтаминор довони-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх йўналиши;

Воҳада ички ва ташқи савдони асосан, қишлоқ хўжалиги ва чорва моллари ташкил этиб, аҳоли ўзидан ортиб қолган маҳсулотларни атрофдаги кўшни бозорларга ёки ташқарига - Бухоро амирлигининг турли ерларига олиб бориб сотишган.

Деновдан Самарқандга бориш учун довонлардан ўтишга тўғри келарди. Бу йўллар асосан Тамшуш ва Мура довонлари орқали ўтган (бу йўллардан от ва эшаклар ёрдамида юклар ташилган). Тамшуш довонидан ўтиш Мура довонидан кўра анча қулай бўлган. Сарижўйдан Тамшушгача икки кунлик йўл бўлиб, у ердан Санги-Сурхон довони орқали уч кунда Самарқандга борилган. Қизил эмчак, Ҳисорак ва Китобгача икки кунлик йўл бўлган. Маҳаллий аҳолининг фикрига кўра, Тамшуш йўлидан юриш савдогарлар учун яқинроқ ва қулайроқ ҳисобланган. Мура довони орқали Самарқандга 7-8 кунда борилган<sup>2</sup>. Бу довонлардан ўтиш қанчалик қийин бўлмасин, аҳоли ундан мунтазам фойдаланган. Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларга воҳанинг жанубий қисмидан ўтувчи текислик йўллари орқали бориш бу ерда яшовчи аҳолига анча узоқлик қиларди. Шу сабабли улар тоғли йўллардан ўтишни афзал кўришган.

Воҳа шаҳарлари ташқи савдо алоқаларини асосан Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб боришган. Ҳиндистон ва Афғонистон билан савдо-

<sup>1</sup> Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. -Т.:Академия, 2004.- Б.106.

<sup>2</sup> Кап. Стеткевич. Бассейн Каратаг-Даръи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып.57.-С. 256.

сотик алоқалари Термиз ва Шеробод шаҳарлари орқали амалга оширилган. Четдан олиб келинадиган моллар шу ерда йиғилиб, сўнгра Бухоро амирлигининг бошқа ҳудудларига тарқатилган. Афғонистон билан олиб борилган савдо-сотик ишлари асосан Шимолий Афғонистон орқали амалга оширилган. Бу ердан афғон маҳсулотлари билан бирга, инглиз ва ҳинд молларини ҳам кўплаб харид қилиш мумкин бўлган. Маълумотларга асосан, йилига 6 мингдан ортиқ туяларда Афғонистондан ҳар хил маҳсулотлар олиб келинган. Биргина 1886 йилда Ҳиндистондан 8 мингдан ортиқ туяларда ҳар хил турдаги моллар Бухоро ҳудудларига олиб келинган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу маҳсулотларнинг умумий нархи 5 млн. 475 минг сўмни ташкил этган бўлса, Бухородан Ҳиндистонга 427 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинган<sup>1</sup>.

Ҳиндистондан кўпроқ чой, Россиядан эса шакар, металл буюмлар ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Ҳиндистон ва Афғонистондан олиб келинган маҳсулотлар Шеробод, Паттакесар ва Келиф рус маҳсулотлари эса Бухоро орқали Бойсун ёки Самарқанддан Тамшуш ва Мура довлари орқали воҳага олиб ўтилган<sup>2</sup>.

Ҳиндистондан кўк чойнинг 4 хил: «лунка» - олий нав, «лунка наузгур», «патта» ва «кепак» навлари олиб келинган, 1 пуд лунка нави 44 тилло, лунка наузгур 22 тилло, патта 14 тилло, кепак 11 тилло, Нил бўёғининг 1 пуди эса 14 тиллодан сотилган.

Воҳада кузатув-тадқиқот ишларини олиб борган россиялик ҳарбийлар Сурхон воҳасининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқалари ҳақида чор ҳукуматига маълум қилиб туришган. Унда Сурхон воҳасида рус маҳсулотлари кам учраши, лекин Афғонистон ва Ҳиндистондан Қобул орқали маҳаллий маҳсулотлар билан бирга, инглиз буюмлари ҳам кўплаб олиб ўтилиши маълум қилинган. Инглиз молларини

---

<sup>1</sup>Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 133.

<sup>2</sup>Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны -Т.: ЦСУ Туркеспублики,1922.-С.16.

сиқиб чиқариш учун сув ва қуруқликдаги йўлларни яхшилаш, тўқув ва ишлаб чиқариш ускуналарини амирлик ҳудудларида тезлик билан ўрнатиш лозимлиги хабарларда айтиб ўтилган. Инглиз маҳсулотлари рус маҳсулотларига нисбатан анча арзон сотилганлиги боис, савдогарлар рус молларидан кўра, инглиз маҳсулотларини воҳага кўпроқ олиб келишган.

И.Ремезнинг маълумотига кўра, Афғонистон билан бўлган савдода Паттакесар кечуви юк ташиш бўйича Керки кечувидан кейин иккинчи ўринда турган. Бу кечув орқали икки йил ичида (1891-1892 йиллар) 715 минг рубллик моллар ташилган<sup>1</sup>.

1887 йилда Амударё флотилияси очилиб, катта-катта кемалар ва пароходлар қатнай бошлади. Бу ҳарбий мақсадларни ва савдо-сотиқнинг ҳам ривожланишига кўзлаб амалга оширилган эди.

Амударё флотилиясининг очилиши туманларнинг ўзаро яқинлашуви, хусусан, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Флотилия йўловчиларни ҳисобга олмаганда ҳар бири 25 тонна атрофида юк кўтара оладиган, бир текис шатакка олинган эски тизимдаги 6 та пароходга эга бўлган. Юкларнинг қолган қисми ҳар бири 50 тоннадан 100 тоннагача юк кўтарувчи 13 та шатакланган пўлат баржаларда ташилган. Пароходлар йўловчи ташишга мўлжалланган ўртача 25 та каютага эга бўлган. Пароходлар ёзнинг қулай шароитида Чоржўйдан Термизгача бўлган масофани 7 кунда, қишда эса 11 кунда босиб ўтган<sup>2</sup>. Амударё бўйлаб пароходларнинг қатнови ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Пароходлар унчалик катта бўлмаса-да, лекин қулай ошхоналарга эга бўлган. Дарё тубининг ўзгарувчанлиги, оролларнинг кўплиги, дарё сувининг лойқалиги ва ишоравий белгилар ўрнатилмаганлиги туфайли пароходлар кундузи қатнаган, кечаси эса жойларида тўхтаб туришган. Пароходларнинг саёзликларда тўхтаб қолиши оддий ҳол бўлиб, бу деярли

---

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. -Т.: ЦСУ Трукреспублики, 1922 -С. 37.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. - Б.102.

ҳар куни такрорланган. Ҳар бир пароходга сарфланадиган ёнилғи харажати 2700 рублгача етган. Олинадиган даромад эса 2200 рублдан ошмаган. Бу эса Амударё флотилияси қатновлари сонининг қисқаришига сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Дарёда қатновчи пароходларнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлса ҳам Амударё флотилияси ёпилмаган. Чунки бу сув йўли чор ҳукумати учун муҳим аҳамиятга эга эди. Бундан, айниқса, Бухоро амирлиги катта фойда кўрар эди. Қуруқликда ташиладиган юкларнинг сарф-харажатлари қиммат бўлган. Сув йўли орқали ташиладиган юкларнинг нархи 3-4 баробар арзонга тушарди, иккинчидан эса кемалар кўп миқдорда юк ташиш имконига эга бўлган.

Флотилиядан ташқари дарёда Бухоро қайиқлари ҳам қатнаган. Улар асосан кечувларда йўловчилар ва юкларни ташиган. Кечувдан ўтказиб қўйганлиги учун қайиқчилар ҳар бир одамдан 15 тийин, қўй ва эчкилардан 5 тийин, от, туя ва қора моллардан эса 15 тийиндан кира ҳақи олишган. Бухоро қайиқчилари оқим бўйлаб бир кунда 25-35 км.гача йўл босишган. Масалан, Термиздан Жилли кўлигача қайиқлар 15-20 кун юрган, ёзда эса 12-20 кун, Жилликўл ёки Саройдан Термизгача 4-6 кунда етиб боришган. Шундай қилиб, уларнинг секинлиги ва қимматлигига қарамасдан сув транспорти Шарқий Бухорода маҳсулот чиқариш ва киритишда катта аҳамиятга эга бўлган. Дарёдаги сув йўли Шарқий Бухоро бекликларининг кўпгина аҳоли масканларини амирликнинг ғарбий қисми билан боғлаб турган. Дарё бўйлаб асосан ғалла ва пахта маҳсулотлари ташилган. Амударё бўйлаб тахминан 600 га яқин қайиқларда юк ташилган. Уларнинг йириклари 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтара олган<sup>2</sup>.

1898-1900 йилларда Паттакесар кечувида Афғонистон билан алоқа қилишга мўлжалланган 4 та кема бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси

---

<sup>1</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. - Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1963.- С. 241.

<sup>2</sup> Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008. - Б. 137.

эса Афғонистонга тегишли бўлган. Уларнинг йиллик даромади 3000 рублни ташкил этган. Чўчкагузар кечувида 3 та кема мавжуд бўлиб, шундан биттаси Бухорога, иккитаси Афғонистонга тегишли эди. Булардан Шеробод беги йилига 2000 танга фойда кўрган. Бу кечувдан Балх ва Мозори Шарифга, Афғонистондан эса Шеробод ва Келиф беклигига олиб борувчи йўллар мавжуд бўлган. Амударё флотилияси дастлаб ишга туширилганда бу йўлдан «Царь» ва «Царица» деб номланган пароходлар ва иккита темир баржалар қатнови йўлга қўйилган эди<sup>1</sup>.

Россия ҳукумати Амударё флотилиясини кучайтириш мақсадида бир неча кемалар ажратган, аммо бу пароходлар ва баржалар Амударёда сузиш учун мослаштирилмаган эди. Баржани шатакка олган пароход оқимга қарши суткасига 60 км йўл босган. Баъзи вақтларда пароходлар саёзликларга қадалиб суткалаб қолиб кетган. Чоржўйдан Термизга ойига 2 марта кема қатнови амалга оширилган. Ҳар қатновда 10000 пуддан юк ташилган, бир ой давомида 20000 пуд юк сув йўли орқали ташилган. Юк ташишда кўп қийинчиликлар мавжуд бўлса ҳам Амударё флотилияси ишдан тўхтаб қолмаган. Биргина Термиз ва Чоржўй ўртасида бир йиллик юк ташиш айланмаси 250000 пудни ташкил этган<sup>2</sup>.

XIX аср бошларида Сурхон воҳасининг Бухоро амирлиги марказий қисми билан алоқалари деярли узилиб қолган эди. Мамлакатдаги маҳаллий ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги ўзаро низо ва курашлар қишлоқ хўжалигида бўлгани каби савдо-сотиқ ишларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Бу даврда қишлоқ ва шаҳарларда иқтисодий юксалиш рўй бермади.

Бухоро амирлигида иқтисодий ҳаёт тараққиётига тўсиқ бўлиб турган омиллар бартараф этилмаганлиги боис, Сурхон воҳасида ҳам савдо-сотиқнинг ривожланиши кузатилмади. Мамлакатда тўпланиб қолган

---

<sup>1</sup> Семенова-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. - СПб.: Изд-во А.Ф.Девриена, 1913. - С. 570.

<sup>2</sup> Ананьев А.Г. Шерабадская долина. - СПб., 1914. - С. 25.

муаммолар давлат аҳамиятига молик иш сифатида кўриб чиқилмаганлиги боис воҳада ҳам савдо-сотиқнинг ривожланиши турғунлик даврини бошидан кечирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари ҳамда ҳунармандчилик буюмлари товар-пул муносабатлари шаклида, яъни олди-сотди йўли билан амалга оширила бошланди. Воҳа бозорлари гавжум ва сершовқин бўлиб, бу ерларда турли миллат вакиллари савдо-сотиқ ишларини олиб бориш имконига эга бўлдилар.

Воҳа аҳолиси қўшни хонликлар ва чет давлатлар: Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Россия каби давлатлар билан фаол савдо алоқаларини олиб борди. Савдо-сотиқ ҳажми ҳатто 2-3 баробарга ортди. Буларнинг бари ушбу соҳада қўйилган ижобий қадамлардан далолат беради ҳамда воҳа аҳолиси мазкур жараёнларда фаол иштирок эта бошлади. Шарқий Бухоро билан Ғарбий Бухоро ўртасида олиб бориладиган савдо алоқалари, асосан, Сурхон воҳаси орқали амалга оширилганлиги ҳам бекликларда савдо-сотиқнинг ривожланишига ва маҳаллий иқтисодиётга янги тушумлар қўшилишига имкон берди.

## ХУЛОСА

XIX-XX аср бошларида Бухоро амирлиги таркибида бўлган Жанубий Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган Сурхон воҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётини таҳлил этиш орқали қуйидаги якуний хулосаларга келишимиз мумкин. Бу даврда воҳа бир неча бекликларга бўлинган. Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг чекка ҳудудларидан бири эди. Мазкур даврда Бухоро амирлигининг шарқий қисми ғарбий қисмидан деярли ажралиб қолган эди. Бу эса воҳадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг сўнгги чораги-XX аср бошларига келиб, воҳа иқтисодида маълум ўзгаришлар юз берганлиги кўзга ташланади. Сурхон воҳасида бекликларнинг жойлашган ҳудудлари шароитига қараб, ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш бир-биридан нисбатан фарқланган. Шеробод беклигида кўпроқ гиламдўзлик, кулолчилик, қайиқсозлик, Бойсунда темирчилик ва унга ишлов бериш, ерга ишлов берувчи иш қуруллари яшаш, қандолатчилик тараққий қилган. Денов ва Юрчи ҳунармандлари ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), тўқимачилик, кийим-кечак ва зеби-зийнат буюмларини тайёрлашга ихтисослашган.

XIX аср бошларида ҳунармандчилик буюмлари аҳоли эҳтиёжларини қисман қондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст бўлган. Амирликда жорий этилган солиқлардан ташқари маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни кўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилганлар. Шунингдек, мамлакатда уларга ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмаган. Ҳокимиятнинг юқори қатлами вакилларининг эътиборсизликлари оқибатида ҳунармандларнинг меҳнати қадрсизланиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларига келиб эса маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар бозорларда касодга учрай бошлади. Бунга чор ҳукумати Бухоро амирлигини ўзига тобе қилиб



олгандан сўнг воҳага Россия ва бошқа чет давлатлардан цех ва фабрикаларда ишланган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши сабаб бўлди. Бу воҳада анъанавий ҳунарманчиликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Марказий ҳокимиятнинг кучайиши, воҳада урбанизация жараёнининг жонланиши амирликнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари воҳада ҳам иқтисодиётнинг аста-секинлик билан ижобий томонга ўзгара бошлаганлигини кўрсатади. Ташланган бу ижобий қадамлар савдо-сотиқнинг ҳам олдинга силжишига имкон яратди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Сурхон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида савдо-сотиқ анча ривожланди. Бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари ҳамда ҳунармандчилик буюмлари товар-пул муносабатлари шаклида, яъни олди-сотди йўли билан амалга оширила бошладики, бу ижобий ҳодиса эди.

Бухоро амирлиги Сурхон воҳаси ҳудудлари орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон каби шарқ мамлакатлари билан фаол савдо алоқаларини олиб борган. Шу даврда савдо-сотиқ ҳажми 2-3 баробарга ортган. Шарқий Бухоро билан Ғарбий Бухоро ўртасида олиб бориладиган савдо алоқалари, асосан, Сурхон воҳаси орқали амалга оширилганлиги ҳам бекликларда савдо-сотиқнинг ривожланишига ва маҳаллий иқтисодиётга янги тушумлар қўшилишига имкон берди.

Сурхон воҳасининг ижтимоий муносабатлари, ички ва ташқи савдо алоқаларининг Бухоро амирлигида тутган ўрни каби масалалар янги маълумотлар асосида таҳлил этилди.

XIX-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида кечган тарихий жараёнларнинг яхлит манзараси янги манбалар асосида очиқ берилди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.**

1. Авазов Ю.У. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.: Тарих фан. ном дисс... автореф. -Т., 2005.
2. Авазов Ю.У. Шарқий Бухоро бекликларида солиқ тизими // Жамият ва бошқарув. - 2004. -№3.
3. Ананьев А.Г. Шерабадская долина. - СПб., 1914.
4. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. - Т.: Мерос, 1997.
5. Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатаг и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. -М., 1966.
6. Борозна Н.Г. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурманов долины Кафирнигана и Бабатагских гор.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- М.: МГУ, 1966.
7. Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. - Сталинабад: Госиздат Тадж, 1940.
8. Дала маълумотлари. Бойсун, Газа қишлоғи. 2004 йил, апрель.
9. Жалолиддин М. Термиз тарихи. - Т.: Шарқ, 2001.
10. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. - Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1963.
11. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. - Т.: АН УзССР, 1955.
12. Кап. Васильев. Статистический материал для описания Бухары, бекство Ширабадское и часть Байсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып.57.
13. Кап. Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1886. Вып. XXI.

- 14.Кап. Лилиенталь. Гиссарская и Кабодианская бекство // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. -
- 15.Кап. Стеткевич. Бассейн Каратаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып.57.
- 16.Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекства Бухарского Ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. - М.: Наука, 1979.
- 17.Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.-М.: Наука, 1976.
- 18.Қаюмов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX-XX аср бошлари). // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1998. - №3.
- 19.Липский В. И. Горная Бухара. Результаты трехлетних путешествий в Среднюю Азию. Ч.І. Гиссарский экспедиция. 1896. - СПб., 1902.
- 20.Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. - Т.:Академия, 2004.
- 21.Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. - Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967.
- 22.Маев Н. А. Материалы для статистики Туркестанского края. - СПб., 1879. Вып. 5. - С. 110; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. І. - Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1962.
- 23.Маев Н. А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркистанского края. Вып.5. -СПБ., 1879.
- 24.Маев Н.А. Рекогносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия ИРГО.. - СПб., 1879. Т.XV.
- 25.Материалы по районированию Узбекистана. - Самарканд: ЦКР Уз, 1926. - Вып.І.

26. Мухсинова К.З. К истории выступления Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в // Проблемы востоковедения. - Т., 1959.
27. Маев Н. Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству // Известия. ИРГО. -СПб., 1879. Т. XV.
28. Нажимов Н. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. -Т.: САГУ, 1958.
29. Описание видов изделий и технологии производства деревообделочного промысла горных таджиков // Таджики Каратегина и Дарваза.— Душанбе: 1966. Вып. I.
30. Оранский И.М. Научная командировка в Гиссарскую долину // Народы Азии и Африки. -М., 1962.-№4.
31. Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). -Т. 2008.
32. Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2007.
33. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси шаҳарлари ва уларнинг иқтисодий юксалиши (XIX аср охири - XX аср бошлари) // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: 2007.
34. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳасининг Қарши шаҳри билан савдо алоқалари тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари) // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Материалы Международной научной конференции. - Ташкент-Карши: Фан, 2006.

- 35.Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и Южных частей Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57.
- 36.Поруч. Каракульщиков. Маршрут от г. Денау до Патта-Гиссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. -СПб., 1894. Вып. 57.
- 37.Ражабов З. Ш. Из историй общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и начала XX вв. - Душанбе., 1958.
- 38.Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны -Т.: ЦСУ Туркеспублики,1922.
- 39.Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар): Тарих фан. ном ... дисс. -Т., 2004.
- 40.Семенова-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. - СПб.: Изд-во А.Ф.Девриена, 1913.
- 41.Сов. Петрова. Рекогносцировка Бухарских владений // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. -СПб., 1886. Вып. XXI.
- 42.Сухарева О.А. Бухара XIX - начала XX в. - М., 1968.
- 43.Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства.- Т., 1958.
- 44.Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. - Т.: Изд-во АН УзССР. 1962.
- 45.Турсунов С.Н., Турсунова И.Н. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 2003. - №4
- 46.Тухтаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX - начале XX в. - Т.: Фан, 1966.
- 47.Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX веков. Тр. инс. ист. КиргССР.- Фрунзе: 1957.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон тарихи. -1999. - №1.
49. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида 1-китоб. - Т.: Шарқ, 2000.
50. Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX вв. -Т.: Фан, 1991.
51. Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980.
52. Хамраев А.Х. Упадок Бухары и установление протектората России // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. - Т., 1969.
53. Хамроев М. Очерки история Хиссарского бекства конца XIX - начала XX вв. - Душанбе: Тр. АН ТаджССР, 1959.
54. Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства много национальных районов Сурхандарьинском области в дореволюционной время // Советская этнография. - 1970. - № 2.
55. Хидоятлов И.К. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. - Т., 1965.
56. Холиқов З.И. Сўнгги ўрта асрларда Сурхон воҳасининг савдо-қарвон йўллари // Ўзбекистон моддий маданияти. -Самарқанд: 1997. 28-нашр.
57. Холиқов З.И. Сурхон воҳасининг сўнгги ўрта асрлардаги қулолчилиги // Маънавият ва тарбия. – Термиз: 2000.
58. Холиқов З.И. Термез и Чаганиян в позднем средневековье (по археологическим и письменным источникам XVI-XIX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Самарканд:2001.

- 59.Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. - Т.: Ўқитувчи, 2005.
- 60.Ҳайит Т., Усмон Т. Кураш йиллари. - Т.: Меҳнат, 1992.
- 61.Шониёзов К.Ш. Узбеки-Карлуки. - Т.: Наука, 1964.
- 62.Юсупов Ш. Очерки истории Кулябского бекства в конце XIX-нач. XX вв. - Душанбе: Тр. инст. ист. АН Тадж. ССР, 1964.